

UZBEKISTON
JUMHURIYATI
O'QUV-KUTUPXONA PALATASI

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



Поётмга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 27 май, пайшанба • 22 (3550)-сон

«Бугун мактаб ўқувчиларининг нафақат жисмоний, балки маънавий камолоти ҳам спортга бевосита боғлиқ эканидан халқимиз яхши хабардор. Бу борада амалга ошираётган кенг миқёсли ишларимизни ҳамма кўриб турибди ва маъқулламоқда. Болалар спортини ривожлантириш бўйича дастурларимизни изчил амалга оширишда давом этишимиз лозим».

Ислом КАРИМОВ.



1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

УШБУ СОНДА:

**ДУНЁ ХАФТА
ИЧИДА**

3

**ЛОЛАҚИЗГАЛДОҚҚА
АЙЛАНДИ УЛАР**



4

**ҲАЁТ — ҲАРАКАТ
ДЕМАКДИР**



14

**БИЗНИ
ҚўЛЛАГАНЛАРГА
РАҲМАТ**



16

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материаллар билан танишасиз.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Ота-она болани дунёга келтирганликлари учун эмас, уни одобли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учунгина олқишга сазовор бўладилар.



«Поётмга» газетасининг иловаси
УСЧИНСИ
ОЛАМ

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Афғонистон Республикасига ташриф буюрган Германия Федерал ички ишлар вазири жаноб Отто Шили Афғонистондан қайтаётиб Термизда тўхтаб ўтди. Мартабали меҳмонни Термиз аэропортида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ

В. Норов, Сурхондарё вилояти ҳоқими Т. Қодиров, вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Жабборов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Германия ва Ўзбекистон Республикаси ва-

зирлари мулоқот чоғида минтақа ва дунёда тинчлик, осойишталикни сақлаш, терроризм ва диний экстремизмга қарши ҳамкорликда курашиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Бу ҳамкорликни янги босқичга

кўтаришда куч ва имкониятларни бирлаштириш, ўзаро тажрибаларни умумлаштириш, кадрларни ўқитиш, тарбиялашни замон талаблари даражасига кўтариш муҳим эканлиги айтиб ўтилди.

Вазирлар учрашуви самимий, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтди.

С. ОМОНТУРДИЕВ.
Э. ТУЛЯЕВ олган суратлар.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш шу куннинг долзарб вазифасига айланиб, бу борадаги масалаларни ҳал этиш зарурати туғилмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва технологик жараёнларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, МДХ ва хорижий давлатларда эришилган ютуқлардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари ана шу жиҳатга алоҳида эътибор билан ёндошмоқдалар.

Аввал хабар берганимиздек, ушбу илмгоҳда чет эл


мутахассислари иштирокида ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланиб илмий-амалий семинар ўтказилгани фикримизнинг далилидир.

Анжуманни мактаб бошлиғи, юридик фанлар доктори, полковник М. Собиров очди.

Шундан сўнг республи-

ка Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров сўзга чиқиб илмий-амалий семинар иштирокчиларини кутлади.

Россия Федерацияси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Давлат ёнгин назорати академияси бошлиғи, техника фанлари доктори, генерал-лейтенант Е. Мешалкин, Тошкент ша-



ҳар фавқулдда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Э. Икромов, республика ИИБ ЁХББ бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Қўлдошев, "Ўзнефтогаз" Миллий холдинг компанияси бошқарма бошлиғи, Э. Мординов ва бошқалар муҳокама этилаётган масала юзасидан маъруза қилдилар.

Мунозараларда Қозғистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар агентлигининг Кўкчатов техника институти ректори ўринбосари, полковник Ю. Румянцев ва бошқалар сўзга чиқиб жойларда ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўз мухбиримиз.
Суратда: анжумандан лавҳа.
А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Шу йил 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, республика тармоқ касаба уюшмаси Марказий кўмиталари раислари, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари иштирокида кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди. Унда ўтган йили болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш яқунлари ҳамда 2004 йил ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров иштирок этди ва маъруза қилди.

Ушбу долзарб масала бундан бир

неча кун аввал республика Ички ишлар вазирлиги Ҳайъати мажлисида ҳам кўриб чиқилиб, ёзги дам олиш мавсумида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш борасида тегишли қарорлар қабул қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, вазирлик томонидан болалар ва ўсмирларнинг ёзги дам олишини ташкиллаштириш мақсадида республика Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси, "Камолот" ёшларнинг ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган "Ғамхўрлик-2004" тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижро учун жойларга юборилди. Режада барча мутасадди ташкилотлар вакиллари билан иборат ишчи гуруҳлар ташкил қилиниши ҳамда ёзги дам олиш мавсуми бошланишидан олдин фаолият кўрсатиши мўлжалланган оромгоҳлар назоратдан ўтказилиши, асосий эътибор

кўшни МДХ давлатлари билан чегарадош ҳудудларда жойлашган оромгоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, турли кўришдаги кўчкилар, сув тошқинлари ва бошқа турдаги табиий офатлардан ҳўли ҳудудларда бўлишига қаратилиши кўрсатиб ўтилган.

Жорий йилда 337 та оромгоҳда 171 минг 70 нафар болалар ва ўсмирлар дам олиши кўзда тутилмоқда. Республика ички ишлар идоралари томонидан шаҳар ташқарисида фаолият кўрсатувчи 232 та оромгоҳнинг ҳар бирига етарли тажрибага эга, малакали милиция ходимлари бириктирилиб, уларнинг кечаю-кундуз хизмат кўрсатиши таъминланади. Экологияси оғир бўлган Оролбўйи ҳудудларидан 4 минг нафардан зиёд болалар ва ўсмирлар республиканинг сўлим, хушманзара оромгоҳларида дам олиши режалаштирилмоқда.

Шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларга бормаган болалар ва ўсмирларни педагог-тарбиячилар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари ва кенг жамоатчилик ёрдамида мактаблар қўшидаги оромгоҳлар, милиция таянч пунктлари атрофидаги спорт майдончалари, гузарларда фаолият юритаётган тўғарақларга жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

И. ЖАҲОНГИРОВ,
милиция майори.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Наманган вилояти ИИБда ички ишлар идоралари тезкор хизматлари ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни бошқарма бошлиғи, милиция полковниги А. Усмонов очиб, кун тартибидagi масала, мамлакатимиз тараққиёти, тинчлиги-осойишталигига раҳна солишга уринаётган ёт кучларнинг хавфи, ички ишлар ходимлари олдида турган долзарб вазифалар, хусусан, халқимиз осойишталигини таъминлаш, терроризмнинг ҳар қандай кўри-нишларига барҳам бериш, диний экстремизмга қарши кураш ҳақида гапирди.

Бошқарма бошлиғининг 1-ўринбосари, милиция майори С. Сотиболдиев вилоятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида олиб борилаётган тезкор-профилактик тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари ҳақида маъруза қилди. Жумладан, вилоятимиз кўшни Қирғизистон ҳамда Тожикистон республикалари билан чегарадошлигини ҳисобга олиб, асосий эътибор ҳудуднинг кириш-чиқиш жойларида назоратни кучайтиришга, хавфсизликка раҳна солувчи адабиётлар, турли портловчи моддалар, гиёҳвандлик воситаларининг кириб келишининг олдини олишга қаратилганлигини маълум қилди. Хусусан, 24 та милиция назорат, йўл патруль хизмати мунтазам масканлари ташкил этилган. Ҳаракатдаги отлик ва автопатруль гуруҳлар асосий йўллардан ташқари сўқмоқ, айланма йўлларда ҳам туну кун хизмат олиб бориб, хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшишаётганини таъкидлади.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги К. Обидов эса жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилаётган профилактик ишлар ҳақида тўхталди. Хусусан, "Маҳалла-тозалаш-2" шартли ном билан ўтказилаётган кенг қам-

ровли тадбирлар давомида 30 дан ортиқ жиноят фош этилиб, фуқаролар томонидан ноқонуний сақланаётган 3 та ов қуроли аниқланганини қайд этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Т. Муллажонов сўз олди ва шу йил 28-30 март кунлари Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган кўпорувчилик ҳаракатлари таҳлиliga тўхталиб, мамлакатимизда терроризм ва диний экстремизм хавфи ҳамон мавжудлиги, бу эса ҳуқуқ-тартибот идораларининг олишга қаратилганлигини маълум қилди. Шунингдек, йиғилганлар эътиборини Президентимизнинг республика Олий Мажлиси XIV сессиясида сўзлаган нутқи ва парламентнинг Ўзбекистон халқига мурожаатидан талаб ва вазифаларга қаратди.

Йиғилишда, шунингдек, ходимлар ўртасида хизмат интизоми, қонунчиликни таъминлаш масалалари кўрилди. Вилоятдаги тезкор вазиятдан келиб чиқиб, қатнашчиларга керакли кўрсатмалар берилди, бир қатор вазифалар белгиланди.

Дилбар ТУРҒУНОВА,
милиция лейтенанти.

Миннатдорчилик


МИНГ РАҲМАТ!

Мен кўп йиллардан буён Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси суд-тиббий экспертизаси идорасига қарашли тезкор экспертиза ва бахтсиз ҳодисаларни хабар қилиш бўлимида ишлайман. Фаолиятимизни ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширамиз. Хизмат шароити қанчалик қулай бўлса, самара ҳам шунга яраша юқори бўлади. Илгари бўлишимиз мослаштирилган, таъмирталаб бинода жойлашган эди. Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, милиция полковниги Ф. Қодиров ва штаб бошлиғи, ички хизмат полковниги Т. Йўлдошевнинг ташаббуслари билан ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган, шинам бинога кўчиб ўтдик. Хизмат хоналаримиз зарур мебеллар, алоқа воситалари билан таъминланган. Бу ғамхўрликдан руҳланган ходимларимиз янги куч-гайрат билан ишлашяпти. Кўрсатилган эътибор учун пойтахт ИИББ раҳбариятига минг раҳмат. Уларнинг халқимиз тинчлик-осойишталиги йўлидаги фаолиятларида муваффақиятлар тилаймиз.

Б. ТўРАБОЕВА.

Сўнги кунларда Доминикан Республикасида тўхтовсиз ёғётган ёмғир маҳаллий аҳоли учун ҳақиқий офатга айланди.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



Сўнги йилларда жаҳоннинг турли ҳудудларида террорчиликнинг ёвуз кўринишлари намоён бўляпти. Террорчилар миллионлаб инсонларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш, уларни кўрқитиш, ваҳимага солишга уринишмоқда.

Ҳокимият вакиллари дастлаб 43 киши ўлгани ҳақида хабар қилишган эди. Кейинроқ Associated Press агентлиги 100 нафардан зиёд одам нобуд бўлганини билдирди. Сўнги маълумотларга қараганда Гаитида 358 киши, Доминиканда эса 144 киши ҳалок бўлган. Юзлаб одамлар бедарак йўқолган, деб тахмин қилинмоқда. 450 дан ортиқ уй сув остида қолди. 14 та аҳоли манзилгоҳи телефон алоқаси ва электр таъминотидан маҳрум бўлди. Қутқарув ишлари давом этяпти. Мамлакат Президенти Иполито Мехьининг кўрсатмасига кўра фалокат юз берган жойга қўшимча равишда шифокорлар, кутқарувчилар юборилди, дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари етказиб берилляпти.

АҚШнинг ғарбида ҳам бир неча кундири, тинмай жала ёғаяпти. Дарёлар тошиб, Айова, Мичиган, Иллинойс штатларидаги қатор шаҳарларни сув босган. Кўчаларда транспорт қатнови тўхтаб

СУВ БАЛОСИ



қолган. Табиий офат туфайли ҳалок бўлганлар бор. Минглаб одамлар электр бошпанасиз қолишди. Мамлакатнинг бир қанча ҳудудларида фавкулдда ҳолат эълон қилинди.

Бундан ташқари Америкада сув қуёни ҳамон тингани йўқ. Сўнги кунларда марказий туманларда 80 маротаба торнадо тазовузи қайд этилди. Не-

браска штатида фавкулдда ҳолат эълон қилинган. Минглаб одамлар электр таъминотисиз қолишди. Бир қанча кичик шаҳарчалар бутунлай вайрон бўлди. Уларнинг аҳолиси зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозир Пенсильвания ва Ғарбий Виржиния штатларида ҳам ана шундай вазиятни кузатиш мумкин.

ЙИРИК АВТОҲАЛОКАТ

Суданда йирик автоҳалокат юз берди. Ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, фожиа Хартумдан 200 км шимолдаги Шенди шаҳри яқинида қайд этилди. Меъёридан ортиқча йўловчи ўтирган шаҳарлараро автобус ҳайдовчиси юк машинасини қувиб ўтмоқчи бўлди. Аммо эҳтиётсизлиги оқибатида рўпарадан келаётган автомобиль билан тўқнашув содир этди. Автоҳалокат оқибатида камида 25 киши ўлган, деб тахмин қилинмоқда.

ЎЗИГА ХОС РЕКОРДЛАР

Шимолий Осетиянинг Алагир шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро ўз ихтиёри билан милиция идорасига 58 та гранатамёт ва 29 та пулемёт топширди. Бу борада бир аёл ҳам юртдошидан қолишмади. У ички ишлар бўлимига жами 50 килограмм келадиган 12 дона тротил шашкасини олиб келди.

МУНОСАБАТИМИЗ ҚАТЪИЙ

Терроризм – инсоният душмани, тараққиёт ва юксалиш кушандасидир. Бундай хатти-ҳаракатларнинг мазмуни ва моҳияти халқлар, миллатлар, мамлакатлар тақдирини бутунлай бошқа ўзганга буриб юбориб, ўз мақсади ва ғояларини рўёбга чиқаришдан иборат. Илгари бундай ҳаракатлар маълум ҳудуд ва минтақаларда содир этилган бўлса, эндиликда бутун инсониятга хавф солаётган вабо эканлиги аён бўлмоқда. Сўнги пайтларда бундай ҳаракатларнинг бир-бири билан тобора чамбарчас боғлиб кетаётганидан, уларни битта марказдан амалга ошириляётганини ва маблағ билан таъминланётганини англаш қийин эмас.

XXI аср вабоси бўлмиш терроризм офатининг ҳар қандай давлатга таҳдид солиши мумкинлиги, энг кучли, ривожланган давлатлар ҳам унинг зарбасидан четда қолмаслигини жаҳон жамоатчилиги аллақачон англаб етди. Халқаро терроризм шарпаси Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 16 февраль воқеалари, жанубий сарҳадларимизга суқилиб кирган босқинчилар қилмишлари ҳали-ҳамон юртдошларимиз юрагида доғ бўлиб қолган. Шу йили март ойининг охирида юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатларида бу вабо яна бир бор ўз жирканч қиёфасини кўрсатди.

Унга қарши курашда халқаро ҳамжамият кучларини бирлаштириш, бу ҳодисанинг нафақат кўри-нишларини, балки унинг орқасида турган марказларини ҳам йўқ қилиб ташлаш имконини беради. Халқаро терроризмга қарши кураш марказининг айнан Тошкентда очилиши Ўзбекистоннинг бу иллатга қарши кўрашда қатъий позицияда турганлигидан далолатдир.

Азиз ФАЙЗИЕВ.

ҲАРБИЙ ВЕРТОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Рио-де-Жанейродан 175 километр узоқликда ҳарбий вертолёт қулаб тушиши натижасида уч ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, бир нафари эса оғир жароҳат олди. Сешанба куни “Фолья” ахборот агентлигининг хабар қилишича, вертолёт ўқув парвозини амалга ошираётган эди. Дастлабки тахминларга кўра, унинг юқори кучланишли электр тармоғи билан тўқнашиб кетиши ҳалокатга сабаб бўлган.

ПАРОМДАГИ ФОЖИА

Бангладешдаги паромлардан бирида юз берган авария оқибатида ўлганлар сони 74 кишига етди. Ўнлаб йўловчилар бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Ҳукумат вакиллари билдиришича, бошқа омон қолганлар йўқ, деган қарорга келингани учун кутқарув ишлари тўхтатилди.



БОҒДОДДА ЯНА ПОРТЛАШ

Боғдод марказида яна бир террорчилик ҳаракати содир этилди. Портлаш шаҳар марказидаги асосан хорижлик фуқаролар яшайдиган “Ал-Карма” меҳмонхонаси яқинида юз берди. Меҳмонхона ходимларининг гувоҳлик беришича, портлаш содир этилган пайтда меҳмонхонада Миср ва Иордания фуқаролари, дипломатлар ҳамда журналистлар бўлган.

Баъзи маълумотларга қараганда, ироқлик беш киши яраланган. Мамлакат полициясининг тахминига кўра террорчилар воқеа жойидан кўра 100 метрлар узоқликда жойлашган Австралия элчихонасини нишонга олишган. Ҳозирча ҳеч бир ташкилот кўпорувчиликни ўз зиммасига олгани йўқ.


Ан-Нажаф ва Карбало шаҳарларида америкалик ҳарбийлар ва исёнчилар ўртасида қуролли тўқнашувлар ҳамон давом этяпти.

СОДДАЛАР

Франциянинг Реюньон департаментида яшовчи эр-хотин ўлган қизларининг мурдасини иккинчи уйларида 23 йил давомида авайлаб сақлашди.

Улар Зубайданинг тирилишини кутишганди. Ҳатто невараларини: “Онангиз тирик, фақат аҳволи оғир, ҳозирча у билан учрашишларингизнинг иложи йўқ”, – деб ишонтириб келишди. Бу ҳол юқорида айтганимиздек 23 йил давом этди. Фарзандлар улғайгач, қандайдир ҳужжатга имзо чектириш учун оналарини топиб беришни сўраб, полицияга мурожаат қилдилар.

Шундан сўнггина шўрлик ота-она Зубайданинг мўмиёланган мурдасини кўрсатишди. Уларнинг айтишича, қизларини даволаган ҳиндистонлик табиб унинг ўлганини эшитиб, мурдани кўммасликни маслаҳат берган. Бир неча йилдан сўнг марҳума тирилишини айтган. Содда эр-хотин унинг сўзларига чиппа-чин ишониб шунча йил кутишган. Агар юқоридаги воқеа бўлмаса, худо билсин яна қанча вақт умидвор бўлиб яшардилар.



БИР НЕЧА КАДАМ ҚОЛГАНДА



Жасоратингизни Ватан унутмайди

— Алло, отажон, ассалому алайкум! Яхшимисиз?
— Яхши, болам, ўзинг яхшимисан, соғликларинг жойидами?
— Раҳмат, отажон, сизларни жуда соғиндим. Тошкентга келмоқчи экансизлар. Қачон келасизлар?
— Акангнинг ҳимояси бор экан. Шунга онанг билан бормоқчи эдик.
— Жуда яхши ўйлабсиз. Фақат, илтимос, тўрт-беш кун вақтлироқ келинглар, жуда соғинганман.



— Болам, биз сал кейинроқ борамиз, ўзингга эҳтиёт бўл...
Шу пайт нимадир бўлди-ю, алоқа узилиб қолди.

Кейинги воқеалар отани ҳам, онани ҳам минг кўчага солиб, минг бирдан чиқарди. Нега, нега ўшанда сафарни кейинроққа қолдирди? Нега?! Ота-она учун алоқа минглаб марта узилсин эди, рози эдилар. Фақат мушфиқ фарзанднинг умри узилмасин эди!!!

Ота-она йиғлади, фарзанду ёр йиғлади, дўст-биродар, ҳаттоки, ағёр йиғлади...

ЛОЛАКИЗГАЛДОҚҚА АЙЛАНДИ УЛАР

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Мухиддин Амонов ўлимидан бир неча кун туғилиб ўсган юрти — Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги Хўжасоат қишлоғига телефон қилганида ота-онасининг пойтахтга келиш режалари борлигини билиб, роса хурсанд бўлди. Рафиқаси Мақсуданинг фарзанд кутаётганлигини эшитган Зиёдулла бобо ҳам, Менгсулув момо ҳам Мухиддиндан кам шодланишмади. Хуллас, дийдор яқин. Худди шу кайфиятда Мухиддин хизматга отланар, шу кайфиятда уйига қайтарди.

28 март кунги воқеа барча қатори Мухиддиннинг ҳам қалбини ларзага солди. У ҳамкасби — милиция катта лейтенанти Эркин Саидов билан бирга ўзлари хизмат қиладиган "Файзиобод" ва "Азамат" маҳаллалари ҳудудини айланиб чиқиш учун йўлга тушди. Тошкент вилоятига чиқаверишдаги "Гулсанам" блок-постига яқинлашганларида шу томонга келаётган уч кишига кўзлари тушди. Улар милиция ходимларини кўриб, бир зум тараддулланиб қолишди. Кейин эса ўзларини панага олишга уринаётганларини кўрган Мухиддин йигитлар олдига келди.

— Салом йигитлар, саҳарлаб йўлга чиқибсизлар, ош борми дейман. Малол келмаса,

хўжатларингизни бир кўриб қўйсам...

Мухиддин жавоб олишга улгурмади. Гумбураган ўқ овози тун пардасини ёриб ташлади. Дўстига ёрдамга шошилган Эркинжон ҳам иккинчи бор отилган ўқдан ерга йиқилди...

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ядро физикаси институтининг илмий ходими Мухтор Амоновни Мирзо Улуғбек тумани ИИБга чақиришганида кўнглига хавотир оралади. Укаси Мухиддин масала-сида чақиришаётган экан. Минг ўй-хаёллар билан бошқармага етиб келди ва...

— Укамни сўнги йўлга кузатаётганимизда бир нарсани кўп ўйладим, — дейди М. Амонов. — Мен укам билан бирга кўп нарсани йўқотдим. Ука садоқатини, ука меҳрини, ука кўмагини, укалик бахтини йўқотдим. Нафақат мен, Ватан ҳам, баландпарвоз бўлса ҳам айтаман, фидойи ўғлини йўқотди. Номзодлик диссертациямни ёқлаш арафасида эдим. Шу муносабат билан укам менга билан бирга кўп нарсани билдим ҳам. Қишлоқдошлар оқибатини, дўстлар ҳамдардлигини, Пре-

зидентимизнинг укамга берган баҳосини. Мен эл осойишталиги учун жонини берадиган кишилар борлиги билан, укамдек юрт тинчлиги йўлида жонини берган Эркинжондек йигитлар билан фахрланаман.

Сукот сақлаганча Менгсулув момонинг сўзларига кулоқ тутамиз.

— Ўша телефон қилиб бизни чақирганида нега тезгина йўлга тушмадик-а. Нега олдинроқ бора қолмадик?! Алп қоматини кўриб қолармидик. Онасининг қабрига тушган болам мени армонларга қолдириб кетди. Дийдор қиёматда қолди, болам...

Ушбу мақоламизга нуқта қўйиш ниҳоятда қийин кечди. Худдики, Мухиддиннинг умрига нуқта қўяётгандек туюлаверди. Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Жабборовнинг ушбу сўзлари мушкуллимизни осон қилди:

— Милиция катта лейтенанти Мухиддин Амоновнинг ҳаёти ва хизмат фаолияти ўзи танлаган касбга чексиз садоқат, чинакам ватанпарварлик намунасидир. Бундай юртдошларимиз ҳеч қачон ўлмайдилар, бильакс, халқ қалбида абадий яшайверадилар.

Йўлга термултириб фарзандларини, Жаннатдаги боққа шайланди улар. Юракларга жойлаб ўчмас номини, Лолакизгалдоққа айланди улар...

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА, Сафар ОМОНТУРДИЕВ.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚАДР ТОПАДИ

Жамият учун қилган меҳнати эсга олиниб, кадрланса, инсон учун ундан катта бахт бўлмаса керак. Айниқса, нафақада дам олаётганларни йўқлаб, бир пиёла чой узатсангиз, уларнинг чехрасидан ёғилаётган нурдан ўзингиз ҳам баҳра оласиз.

Республика ИИБ Бирлашган тахририятида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан хайрли тадбир уюштирилди. Кўп йиллар тахририятда ижодий меҳнат қилган фахрийлар, вафот этган ходимларнинг оила аъзолари ҳамда тахририятнинг бир қатор фаоллари учун дастурхон ёзилди, жамоанинг бугунги фаолияти билан таништирилди. Шунингдек, тадбир давомида уларга ИИБ Бирлашган тахририяти бош муҳаррири, ички хизмат капитани Ш. Муродов тахририят томонидан ажратилган моддий ёрдам ва фахрий ёрликларни топширди.

Тадбирга таклиф этилганлар бу мурувват учун тахририят раҳбарияти ва жамоасига ижодий муваффақият тиладилар.

— Мени бу ерга таклиф этганингиздан кўнглим тоғдек кўтарилди, — деди истеъфодаги ички хизмат подполковниги Ҳамидулла Абдуллаев. — Тахририятга таржимон бўлиб ишга келган дастлабки кунлардан шу пайтгача жуда кўплаб журналистлар билан мулоқотда бўлдим. Ўша кезлари ҳозиргидек шароит етарли бўлмаса-да, жамоа ўз олди-га қўйилган вазифаларни ҳамжиҳатлик билан бажаргани ҳамон ёдимда. Тахририятдаги ижодий фаолиятимни баҳоли қудрат инобатга олаётганингиз учун сизларга катта раҳмат. Кекса авлод кадр топган жойда ёшлар доимо жипсלאшади, баркамол бўлиб камол топади. Мен ҳозирда нафақада бўлишимга қарамай имкон топиб ўзимга кадр-

дон бўлиб қолган газета ва журналларда турли мавзулардаги бошқотирмаларим билан қатнашиб турибман. Бугунги тадбир янги ижод сари руҳлантиришига шубҳа йўқ.

— Раҳматли дадам кўп йиллар шу жамоа билан ҳамнафас бўлганлар, — деди собиқ муҳаррир ўринбосари Сиддикхўжа Сулаймонхўжаевнинг ўғли Қаҳрамон. — Ҳозир ҳам ҳамкасблари билан борди-келдимиз узилгани йўқ. Улар хонадонимизда ўтадиган тўй-



маросимларга ташриф буюриб туришади. Жамоа дадамни ҳамон ўз сафида ҳис этиб, бизни йўқлаганлари учун оила аъзоларимиз номидан миннатдорчилик билдираман.

Тадбирда иштирок этган бошқа фахрийлар ҳам дил сўзларини изҳор этишди. Кекса авлод вакиллари ошаннафас сўзларидан баҳраман бўлиш, ғайрат-шижоати, журналистик маҳорати билан кўпчилик қалбида ёрқин из қолдирган марҳум ходимлар хотирасини ёдга олиш бир пиёла чой устида давом этди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: тадбирда иштирок этган фахрийлар, пенсионерлар ва вафот этган ходимларнинг оила аъзолари дилдан суҳбатлашмоқда.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

Хабарлар

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — БОШ МАСАЛА

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдан асосий мақсад юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, демократия ва инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок бу борада сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланяпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленумида "Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Яқинда Навоий вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирокида ўтказилган семинар-йиғилишда мазкур қарор ижросининг таъминланиши, жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари кенг муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят прокурори Б. Шомирзаев кўриш сўзи билан очди. Шун-

дан сўнг Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси К. Исаровнинг маърузаси тингланди. Семинарда сўзга чиққан вилоят ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Б. Бозоров, республика Адвокатлар ассоциацияси Навоий вилояти бўлими бошлиғи А. Нарзиевлар муҳокама этилаётган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар сўнгида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Ниғора РАҲИМОВА, Навоий вилояти.

БОШҚАРМАДА ҚЎШ ТАДБИР

Куни кеча Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида қўш тадбир бўлиб ўтди. Дастлаб Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ушбу хизматда узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққан фахрийлар ҳамда ходимларга иззат-ҳурмат кўрсатилиб, дастурхон ёзилди. Бир пиёла чой устидаги суҳбат чоғида тўпланганлар вафот этган ҳамкасблари хотирасини ёдга олишди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари ЙХБнинг Маъмурий-амалиёт бўлимида амалга оширилган ишлар ва ўзгаришлар билан танишдилар.

— Маъмурий-амалиёт бўлими биноси тубдан қайта таъмирланиб, иш юзасидан келувчилар учун жуда катта қулайликлар яратилди, — дейди бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция майори И. Тугашев.

— Хоналар замонавий техника воситалари билан қайта жиҳозланди.

Маъмурий-амалиёт бўлими учта шўбадан иборат. "Юнусобод" шўбаси С. Раҳимов, М. Улуғбек, Юнусобод туманлари аҳоли-сига хизмат қиладди. А. Икромов, Шайхонтохур, Чилонзор туманлари аҳолиси эса транспорт воситалари билан боғлиқ муаммоларини "Чилонзор" шўбасида ҳал қиладди.

Бевоқиф бошқармада жойлашган Марказий шўба — маъмурий-амалиёт бўлими эса Сирғали, Яккасарой, Ҳамза, Миробод туманларига хизмат кўрсатади. Буларнинг барчаси хизматнинг янада такомиллашиб боришида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги А. Аҳмедбоев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.


«Noemga» gazetasining ilovasi



HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

OLAM

Мўъжиза



Операциядан сўнг.

СИАМ

Яқин-яқинларгача бутун дунёдаги аксар оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътибори бу болаларга қаратилганди. Сабаби Кус шаҳарчасида, қора танли ишчи оиласида туғилган Аҳмад ва Муҳаммад сиам эгизаклари эди. Болакайларнинг бошлари бирлашган бўлиб, миялари ҳам мумий эди.

ЭГИЗАКЛАРИ

Сингапурда сиам эгизакларини ажратиш бўйича жарроҳлик амалиёти илгари ҳам ўтказилган. Бу операция юз соат давом этди. Даллас (АҚШнинг Техас штати) Болалар тиббий маркази жарроҳлари сиам эгизакларини – непаллик опа-сингилларни муваффақият билан ажратди.

Бундай операциялар ўта мураккаб ҳисобланиб, ҳамиша ҳам муваффақиятли тугайвермайди. Дастлабки амалиётлар Х асрда ўтказилган эди. Ҳозиргача она қорнидан бирлашиб туғилган болаларни ажратишга тахминан 200 бор уринилган. Қизиги шундаки, сиам эгизаклари ҳамиша ҳам ажралишни истайверишмайди. Уларнинг айримлари бирга ўзларини яхшироқ ҳис қилишади. Бунинг устига операция чоғида таваккал қилишга тўғри келади.

Ҳозирда бундай жарроҳлик аралашувлари одатда муваффақиятли яқунланади. Аммо фожиали тугайдиган-

лари ҳам қайд этилиб туради. Афсуски, 1974 йилда Техронда туғилган Лайло ва Ладан Бижаниларни ажратишга уриниш ҳам уларнинг ўлими билан яқун топди. Қизларнинг бошлари чакка қисмидан туташган эди.

Лайло ва Ладанни Сингапурдаги “Афлс” госпиталида операция қилишди. Непаллик опа-сингиллар ҳам ана шу тиббий муассасада муваффақиятли ажратилган эдилар. Аммо бу гал омад жарроҳлардан юз ўғирди. Операциянинг ўзи муваффақиятли ўтди. Лекин қизларнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Улар кўп қон йўқотиш оқибатида вафот этишди.

Аҳмад ва Муҳаммаднинг ота-оналари операция яхши ўтишига ишонишарди. Қолаверса, болаларни ажратишмаса, улар ўринларидан тура олишмас, зўрға кўзларини юмишар, ютинишга қийналишарди. Бўйинлари деярли қимирламагани учун бўйин мушаклари яхши ривожлан-

маганди. Кейинроқ эгизаклардан бири ўлиши мумкин эди.

Бир йил операцияга тайёргарлик кўрилди. Жарроҳлик амалиёти Даллас Болалар тиббий марказида амалга оширилди. Унда бир неча бригадага бўлинган 40 нафар жарроҳ қатнашди. Операция 34 соат давом этди. Сўнг болаларни бошқариладиган кома ҳолатига ўтказишди. Чунки жарроҳлик амалиётдан сўнг мия ўз қобилятиники тиклаши лозим эди.

Орадан кўп ўтмай болакайлар бемалол кўзларини юмиб-оча бошлашди, мустақил ўтиришга ўрганишди. Отларини айтиб чақаришганда кулишди. Операциядан сўнг уларнинг бошларини ҳимоялаш учун махсус шлемлар кийгизиб қўйилди.

Шифокорларнинг айтишича, Аҳмад ва Муҳаммад жисмоний ривожланишда тенгдошларига етиб олишларига ҳали анча бор. Аммо энг муҳими, уларнинг соғайиши йўлида дастлабки қадамлар қўйилди.

Трансполонтология тиббиётнинг янги, нисбатан ёш соҳаси бўлишига қарамай ажойиб ютуқларни қўлга киритяпти.

ИСРОИЛНИНГ ТОЛЕ ЮЛДУЗИ

2004 йил январь ойининг охирида испаниялик 25 ёшли ҳайдовчи Исроил Сарьо аварияга учради. Натижада қўли тирсагининг юқорисидан узилиб тушди. Уни тезда Валенсиядаги касалхоналардан бирига ётқизишди. Жарроҳлар жабрдийданинг узилган қўлини тикиб қўйишди. Аммо эртаси куни Исроилнинг ҳарорати кўтарилиб кетди. Қўлининг тирсақдан юқориси эса шишиб, қизариб кетди. Қўлни кесиб ташлаш масаласини ҳал қилиш керак эди. Лекин Сарьонинг отаси: “Ўғлим бир қўли билан рулни айлантира олмайди. Илтимос, уни еб турган нонидан айирманглар”, – дея шифокорларга ялинди.

Жарроҳ Педро Кавадос бошчилигидаги тиббиёт ходимлари ўзаро маслаҳатлашиб, қўлни қайта узиб, тирсақдан юқори қисмини даволашга қарор қилишди. Аммо узилган қўл унча чирий бошлаши мумкин эди. Унинг ҳаётини фаолиятини, биринчи галда қон айланишини таъминлаш учун қўлни беморнинг оёғига улаб қўйишди.

Тўққиз кеча-кундуз давомида Исроил Сарьо реанимацияда ҳушсиз ҳолатда ётди. Ўзига келганида эса қўли асл жойига тикилганини кўрди.

Журналистларга бу ноёб операция ҳақида орадан бир ой ўтиб, беморнинг қўли бутунлай битиб, барча фаолияти тикланганига ишонч ҳосил қилишгачина билдиришди. Бу вақтга келиб Исроил ўзини жуда яхши ҳис этаётган эди. У кулимсираб: “Ҳақиқатан ҳам бахтли юлдуз остида туғилган эканман”, – деди.


Аъзоларни улаш тажрибаси илгари ҳам бўлган. Аммо бу ҳолатнинг диққатга сазовор томони шундаки, узилган қўл орадан тўққиз кун ўтиб уланган!

Патрик Лаул Алеут ороллари яқинида балиқ овлаётиб, кемаси бортидаги электр арра бахтсиз та-



содиф туфайли қўлини чўрт кесиб кетди. Қирғоқча бўлган ма-софа 500 денгизи мили эди. Вертолётни ёрдамга чақаришга тўғри келди. Харборвью тиббий марказида (АҚШнинг Вашингтон штати Сиэтл шаҳри) унинг қўлини тикиб қўйишди. Операциядан сўнг кўп ўтмай Патрик бармоқларини қимирлата бошлади.

Яқинда хорижий оммавий ахборот воситалари яна бир ажабтовур хабар тарқатишди. Австриялик 41 ёшли Франц Йиамнигни ногиронликдан халос этишибди. Унинг бармоқларидан ажралиб қолганига икки йилдан ошганди. Францнинг панжасига бошқа бировнинг бармоқларини улашди. Бунинг учун тўрт бригададан иборат жарроҳлар 14 соат тер тўкишди. Йиамниг уланган бармоқларни кўриб улар ўзининг асл бармоқларидан деярли фарқ қилмаслигини айтди...



Kunlardan bir kun...

YAXSHI BOLA RAHMAT YOG'DIRADI

Mirqobilning otasi fermer. Katta maydonda g'alla, paxta yetishtiradi. Darsdan bo'sh vaqtda u dadasining oldiga borib yordamlashadi. Ular bilan yonma-yon paykalda qo'shnilar Islom akaning dalasi.

Mirqobil dalaga borayotgandi Islom akaning kichik qizi chopib keldi:

— Dalaga suv toshib Ketibdi, dadamni chaqirib kelaman, — dedi shoshib.

Mirqobil kelganida ariqdagi suv toshib, Islom akaning dalasiga oqardi. U qarasa, sal naridagi quvurga shox-shabba ilinib qolgan ekan. Bola tezda yechindida ariqqa tushib, quvur og'zini shox-shabbalardan tozalashga tushdi. Tozalab bo'lganida hamma yog'i loyga belangandi. Suv yana ariqda ravon oqa boshladi. Bu orada dalaga yetib kelgan Islom aka Mirqobilga qarab:

— Otangga rahmat, o'glim, — dedi.

G	U	L	S	A	F	S	A	R
		J	A	M	B	I	L	
	B	O	D	I	Y	O	N	
		N	A	S	T	A	R	I
	B	A	R	G	I	Z	O'	T
		N	A	R	G	I	Z	
	B	O	Y	C	H	E	C	H
G	U	L	X	A	Y	R	I	
			L	O	L	A		
	C	H	I	N	N	I	G	U

O'TGAN SONDA BERILGAN MATEMATIK JUMBOQNING JAVOBI:

1 dan 1000gacha bo'lgan sonlar yozib chiqilsa, 3 raqami 300 marta uchraydi.

3 ta halqadan iborat bo'lakning hamma halqalarini uzib ular yordamida qolgan 4 ta bo'lak bir-biriga ulanadi.

Bu matematik jumboqlarga A. Ikromov tumanidagi 75-maktab o'quvchisi Sarvar Karimov to'g'ri javob topib xabar qildi.

	Qo'shni davlat		Chiroy		Ibn ...		
	Tuman Padar		Echkinning bolasi		Oyoq kiyimi Tovush		
	Pardoz anjomi				Idish		Topshiriq. Milliy pishiriq
	Dunyo		Asbob...				
					Mus-tahkam Nota		Og'ir Tang
			Nafosat				
			Qadam		Ichra		
						..mon	
						Bog'	

BOLALAR SAHIFASI

TEHGDOHLAR IJODIDAN

O'Z AGON

O'zi yemay yedirgan,
O'zi kiymay kiydirgan,
Orzulari kattakon,
Mehribonim otajon!

O'z bolasin ardoqlab,
Yomon ko'zlardan saqlab,
Kerak bo'lsa berar jon,
Mehribonim otajon!

Ko'z yoshim oqishiga,
Yo'l qo'ymaydi

hech qachon.

Doim kulib yur deydi,
Mehribonim otajon!

Vaziraxon SAYFIDDINZODA,
Toshkent shahridagi
324-maktabning 6-sinf o'quvchisi.

MATEMATIK JUMBOQ

37 ni beshta 3 yordamida yozing.

1973 sonini ikkita sonning kvadratlari ayirmasi shaklida tasvirlash mumkinmi?

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Навоий шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги **Абдужаббор ХОЛИҚОВ**ни 40 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хотиржамлик, раҳбарлик фаолиятида катта ютуқлар тилаймиз.

Бўлим шахсий таркиби.

Республика ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси бўлим бошлиғи, капитан **Жавлон Жўраев**ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими милиционер-ҳайдовчиси, милиция сержанти **Ғулмжон РАҲМОНКУЛОВ**ни туғилган куни билан самимий кутлаймиз. Жигарбандимизнинг мартабаси улуг бўлиб, давраимизда соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юришини Яратгандан сўраймиз.

Оила аъзолари.

МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



Кўй. Душанба мулоқотлар учун ноқулай кундир. Сешанба куни кўлаб масалаларни ҳал этишда тўсиқларга дуч келасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида шошилмай иш кўргангиз маъқул. Акс ҳолда кўнгилсизликлар келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Тўловлар ва ортиқча сарф-харажатлар кўпайиб кетиши натижасида молиявий аҳволингиз ёмонлашади. Бажариладиган юмушларни, режалаштириб олинг.



Сигир. Ушбу ҳафтада рўй берадиган воқеалар сиздан мард ва ҳалол бўлишни талаб этади. Молиявий муаммолар юзага келиши мумкин. Кутилаётган воқеа ёки хушхабар бажараётган ишингизга ижобий таъсир кўрсатади. Жума куни қарама-қаршилиқларга дуч келасиз.



Эгизаклар. Дастлабки кунлар анча қийин ўтади. Айниқса, шериклар билан муносабатларда тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин. Саломатлигингизни тиклашга эътибор беринг. Пайшанба куни бажараётган ишингизда хатоларга йўл қўйишингиз эҳтимоли бор. Шанба куни катта харидлар қилмаганингиз маъқул. Якшанба куни табиат бағрида дам олишни маслаҳат берамиз.



Қисқичбақа. Ҳафтанинг бошида яқинларингиздан ўз ёрдамингизни аяманг. Сешанба куни ҳаммаслар ва шерикларингизнинг саъй-ҳаракатлари сизни қониқтирмайди. Чоршанба куни ҳамёнингизга пул тушиши ҳамда катта сарф-харажатлар қилишингиз мумкин. Пайшанба кунги учрашув яхши самара беради. Шахсий ҳаётингизда жума куни жиддий ўзгаришлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шанба куни кўнгилли учрашув кўтилмоқда.



Арслон. Саломатлигингиз бироз панд бериши мумкин. Атрофингиздаги одамлар билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Аммо бундан тушкунликка тушманг. Пайшанба куни бажараётган ишингизда муваффақиятга эришасиз. Жума куни баҳслар ва келишмовчиликлар кўтилмоқда. Дам олиш кунлари мусикашунос, шоир ва актёрлар учун омадлидир.



Бошоқ. Дастлабки кунлардаги фаоллигингиз раҳбарлар томонидан муносиб тақдирланади. Кейин эса сизни ноҳақ айблашлари мумкин. Чоршанба куни музокаралар бўлиб ўтади, битимлар имзолайсиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида жиддий ёндошини талаб этадиган муаммолар юзага келади. Шанба куни ваъда қилинган пулни ололмалигингиз мумкин. Якшанба болалар иштирокида тадбирлар ўтказиш учун қулай кундир.



Тарози. Мазкур ҳафтада бюджет соҳаси вакиллари ҳаётида ўзгаришлар рўй беради. Белгиланган вазифаларни кўнгилдагидек уддалайсиз. Бу эса мавқеингизни яхшилаш имконини беради. Пайшанба куни куч-қувватингиз ошганини ҳис этасиз. Муҳаббат бобида жума куни омад кулиб боқади. Дам олиш кунлари саъ-ҳатларга бориш, дўстлар билан кўнгилли мулоқот уюштириш учун қулайдир.



Чаён. Душанба куни оилангизда келишмовчиликлар кўтилмоқда. Чоршанба куни ишларингиз юришиб, муносабатлар яна яхшиланади. Шунга қарамай келгуси режаларни қайта кўриб чиқишингизга тўғри келади. Юмушлар жума кунга бориб айниқса, кўпайиб кетади. Сабр-тоқатли бўлишни маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг охирида хизмат сафарига борасиз.



Ёй. Ҳафтанинг бошида моддий аҳволингиз яхшиланади. Ҳал этилмаган вазифаларни ниҳоясига етказиш учун фаоллик кўрсатишингизга тўғри келади. Рақибларингиз маълум даражада тўсиқлик қилиши мумкин. Шанба куни қайсарлигингиз туфайли атрофингиздаги одамлар билан келишмовчилик келиб чиқади. Аммо якшанба куни ҳаммаси яна изга тушиб кетади. Ижод билан машғул бўласиз.



Тоғ эчкиси. Душанба куни эҳтиёт бўлинг, сизни алдаб кўйишлари мумкин. Ишхонадаги саъй-ҳаракатларингиз сешанба куни ўз мевасини беради. Чоршанба куни жамоат ташкилотига аъзо бўласиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида талайгина орзуларингиз ушалади. Бирорта ҳужжат ёки қимматбахо буоингизни йўқотиб қўйишингиз эҳтимолдан холи эмас. Янги вазифаларга ҳеч иккиланмай киришаверинг.



Қовға. Ушбу ҳафтада имкониятларингиз ошгани учун кўлаб хайрли ишларга қўл урасиз. Фаолиятингизда асқотадиган маълумот кўлга киритилади. Ҳамёнингизга пул тушиши, хонадонингизда фарзанд дунёга келиши эҳтимоли бор. Меҳнат фаолиятингизни ўзгаришига ҳаракат қиласиз. Барча соҳада омад кулиб боқади.



Балиқ. Душанба куни автомобиль бошқараётганда ниҳоятда ҳушёр бўлинг. Йилнинг биринчи ярмида бажарилган ишлар сешанба куни ўз мевасини бера бошлайди. Пайшанба куни саъй-ҳаракатларга қарамай кўтилган натижага эришмаслигингиз мумкин. Бундан асло тушкунликка тушманг. Дам олиш кунлари дўстлар даврасидаги мулоқот бир олам қувонч бахш этади.

ДУШАНБА

31

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

Ёшлар телеканаллари

15.40 «Давр» ҳафта ичида
16.15 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърляти, Гулгунчалар
16.40 «Чекиш - соғлиққа зарар». Телефильм
16.50 Илдиз ва япроқ
17.10 Куёшли юрт одамлари

Спорт телеканаллари

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.
8.45, 17.00 «Хабарлар». (Рус тилида).
9.00 «Спортклуб».
9.10 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 4.00 Новости
8.05 Детектив «Исповедь содержанки»
9.50 Док. детектив. «Маклеры» в погонах.

ТВ 3

7.30 «Победоносный голос верующего».
8.00 Мультсериал. 8.30 Фильм «КОРОЛИ МАМБО».
10.30 Фильм «ЛЕТНИЙ ЛАГЕРЬ В БЕТАВИЛЬ».

TNT

4.55, 5.40 Мультфильм. 5.15 Москва: инструкция по применению.
6.05 «Глобальные новости».
6.10, 11.35 «Эй, Арнольд!». Сериал.

ДТВ

9.00 Мультфильмы. 9.30 «Личное время». 10.00 Телемагазин.

7 ТВ

5.00 НБА. Плей-офф. 8.00, 17.30 Ралли. 8.30 Самый сильный человек.

СЕШАНБА

2

Ўзбекистон телеканаллари

ХАЛҚОР БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.

Ёшлар телеканаллари

7.00 «Мунаввар тонг». 8.30 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус
9.00 Давр
9.25 «Давр»-репортаж
9.35 Тонги дам олиш дастури.

Спорт телеканаллари

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар». (Рус тилида).

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 4.00 Новости
8.05 «Улицы разбитых фонарей»

ТВ 3

7.30 «Победоносный голос верующего».
8.00 Мультсериал. 8.30 Фильм «СОБАКА НА ИГРЕ В КЕГЛИ».

TNT

4.55, 5.40 Мультфильмы. 5.15 Москва: инструкция по применению.

ДТВ

9.00 Мультфильмы. 9.30 «Личное время». 10.00 Телемагазин.

7 ТВ

6.00, 7.30, 11.30 4.00 Линия жизни. 6.30, 13.30, 19.00, 21.00, 3.00, 5.30 Диалоги о рыбалке.

ШАНБА

6

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. «Ёш юлдузлар».

Ёшлар телеканаллари

7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри

Тошкент телеканаллари

17.20 Болажонлар экранлари.
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.55 «Мультичархпалак».

Sport телеканаллари

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05, 18.00, 21.20 «Телехамкор»

ОРТ

5.00, 9.00 Новости
5.10 Сериал «Все путешествия команды Кусто»

РТР

3:00 Фильм «Зеленый огонек».
4:10 «Кино-истории Глеба Скороходова».
4:25 Мультифильм.

НТВ

4:50 Фильм «И ЦЕЛОГО МИРА МАЛО»
7:00, 11.00, 15.00 «СЕГОДНЯ»

ТВ 3

7.45 Пятый элемент. Спецвыпуск.
8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00 Мультисериалы.

ДТВ

9.30 Мультифильмы.
10.00 Сериал «ЗАКОН ДЖУНГЛЕЙ»

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета».
6.40 «НОВАЯ ЖЕРТВА».
7.40 «КОМЕДИЙНЫЙ КОКТЕЙЛЬ».

СТС

7.00 «ПОДМЕНЕННАЯ КОРОЛЕВА». Фильм.

СТС

7.00 «ПОДМЕНЕННАЯ КОРОЛЕВА». Фильм.
8.10, 9.30, 10.00, 11.00, 11.30 Мультифильмы.

ЯКШАНБА

7

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

Ёшлар телеканаллари

10.30 Очил дастурхон
10.50 Оҳанрабо
11.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури

Sport телеканаллари

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05, 11.30, 18.00, 21.20 «Телехамкор»

ОРТ

5.00, 9.00 Новости
5.10 «Ералаш»
5.20 Мелодрама «Благодарный разбойник В. Дубровский»

РТР

2:50 Комедия «Человек-оркестр».
4:15 Фильм «Племянник».
4:45 «Мир на грани».

НТВ

5:25 Фильм «ЮНОСТЬ ПОЭТА»
6:45 Мультифильм

ТВ 3

7.30 «Жизнь в слове».
8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00 Мультисериалы.

ДТВ

8.30 60 минут.
9.30 Мультифильмы.

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета».
6.40 «НОВАЯ ЖЕРТВА».
7.40 «КОМЕДИЙНЫЙ КОКТЕЙЛЬ».

СТС


7.00, 7.30, 9.30, 10.00, 11.00, 11.30 Мультифильмы.

СТС

6.00, 7.30, 11.30, 4.00 Линия жизни.
6.30, 21.00, 0.30, 5.30 Диалоги о рыбалке.

1

Велосипед ихтиро-чиси
Қамарий йил ҳисоби-даги ой



Ташт вориси
Спорт
Қарам
Ифти-хор
Шаҳар

2


Ижод омилли
Боти-рона
Хори-жий валюта
Нарса тизими

3

Хасса
Уландаги шаҳар
Инсон
Илм босқичи
Жаво-ҳир
Рухий ҳолат
Мато

4

Қатор
Металл синч
Хуштор
Насл, зот
Қон томири
Ходим
Узум нави
Кўр-сатиш олмоши
Экин-зор
Дахл-дор
Таниш-билиш



5

Хоринин, тузиган
6

7

Элек-трон лампа
Бир-лашма, уюшма
Бу...

8


Хил, нав
Томон
Қайд этиш
...моқ
Шоҳмот донаси

9

Ҳунар-манд-чилиқ
Ўқув қуроли
Қашам-дор замбар
Кўнда-ланг кенглик
Бўрак усти гармони
Бутун-дан кичик

10

Ташқи сиёсат фао-лияти
Ўритқич қисми
Кун-далиқ ҳаёт
... гал
Нозик
Чет, зиҳ
Тар-тибот органи
Дурд-гор асбаби
Томон
Ер эгаси
От
Камбў қуш
Салмоқ
Сўзда туриш
Спорт



11

Цирк мосла-маси
Нарх
...шом
Ора-сида, ичида
Қайғу
Пойтахт шаҳар
Ўғил-нинг абди
Бужуд
«Шоҳ Эдит» пер-сонажи

12

Илгарин
Бор-ловчи
...ниш
Қуш аъзоси
Яно, тагин
Дарё

13

Тигли қуроли жанг
Форс қўлтини шаҳри

1 6 2 10 13 3 4 7 8 - 1 7 5 11 9 12 4

К. ОРИПОВА тузди.

ЎТган сонда берилган сканворднинг жавоблари

ЭНИГА: Бонистика. Учувчи. Оқ. Метроном. Ранж. Анъана. Маҳзун. Ун. Лангар. Ироқи. Украин. Жуман. Теша. Ми. Оид. Крахмаллаш. Гул. Бой. Ларингофон. Соха. Марта. Ха. Одилона. Оша. Риго. Камон. Хари. Уй. Гулёр. Го. Кремль. Ҳовуз. Ваколат. Ёр. Пойдевор. Кути. Пол. Лайло. Гилос. Ёй. Васиқа. Олчи. Лат. Инвар. Танҳо. Кио. Ҳинд. “Як”. Инсонпарвар.
 БҮЙИГА: Штангенциркуль. Уммат. Шубҳа. Учқур. Ион. Номаълум. Сатранж. Маъно. Кунжара. Эскишаҳар. Нишондор. Май. Авогадро. Рангун. Хилоф. Илм. Даҳо. Шанхай. Бе. Рух. Навнихол. Осло. Агломерат. Кўзбойлогич. Мов. Иш. Гулёр. Го. Умаров. Опа. Оқим. Диск. Ёр. Капитолий. Таниқли. Хаёл. Қасида. Лит. От. Асов. Оч. Ар. “Етим”. Ая. Радиус. Тиллақори. Квант.

СПОРТ+ФУТБОЛ

ШОҲСУПАДА - МЕЗБОНЛАР

Ёнгин ўчириш амалий спорти бўйича республика чемпионатини ўтказиш анъанага айланган. Чемпионатнинг навбатдаги беллашувлари республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабда ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари, Навоий тоғ-кон металлургия комбинатини ёнгиндан муҳофаза қилиш ЁХБ вакиллари иштирок этишди.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг кутилмаган вазиятларда маҳорат кўрсатиши, ёнгин ўчириш воситаларини тез ва чаққонлик билан қўллаши, офат рўй берган жойда фуқароларни қутқариши каби шартлар ўрин олган тadbирни республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаб бошлиғи, полковник М. Собиров кириш сўзи билан очди. Республика Ички ишлар

вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров вазирлик раҳбариятининг мусобақа иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Республика ИИБ ЁХББ бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Қўлдошев, республика ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимовлар сўзга чиқиб, чемпионат қатнашчиларига омад тиладилар.

Дастлабки куни ўтказилган ўқув минорасининг 4-қаватини ишғол қилиш баҳсида қашқадарёликларга тенг келадигани топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент шаҳри вакиллари эгаллашди.

Уч тирсақли нарвонда ўқув минорасининг 3-қаватига қўтарилиш беллашувида Навоий вилояти вакиллари шохсупанинг биринчи, пойтахтликлар иккинчи, фарғоналиклар эса учинчи поғоналаридан жой олдилар.

100 метрга тўсиқлар оша югуришда Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ вакили энг чопқир ва чаққон деб топилди. Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаб вакили иккинчи бўлиб маррага етиб келди. Тошкент шаҳ-


рилик спортчиға учинчи ўрин насиб этди.

Жанговар ёйилиш машқини спортчилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб бажаришди. Чемпионатнинг бу турида жиззахликларга омад кулиб боқди. Самарқандликлар иккинчи, фарғоналиклар эса учинчи ўринни олдилар.

Ёнгин ўчириш эстафетасида мезбонлар голиб бўлишди. Қашқадарёликлар иккинчи, жиззахликлар учинчи ўринни эгаллашди.

Умумжамоа ҳисобида Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби спортчилари энг кўп очко тўплаб биринчи ўринни олдилар. Кейинги ўринларга Фарғона ва Тошкент вилояти вакиллари лойиқ деб топилди.

Д. ҚАМБАРОВ.



ҚЎЛ ЖАНГИ ГОЛИБЛАРИ

Сурхондарё вилояти ИИБ "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти ички ишлар ходимларининг жисмоний тайёргарлигини оширишда турли мусобақалардан кенг фойдаланмоқда. Яқинда қўл жанги бўйича вилоят биринчилиги ўтказилгани бунга мисолдир. Унда вилоят ички ишлар тизими соҳавий хизмат ходимлари қатнашдилар.

Қизгин ўтган баҳсларда биринчи ўринни 65 кг вазнда Сариосиё туман ИИБ дан милиция сержанти Мўмин Бозоров, 75 кг. вазнда вилоят ИИБ "Динамо" ЖТ ва СЖ катта инспектори Тўлқин Валиев, 80 кг. вазнда Жарқўргон туман ИИБ дан милиция сержанти Маматмурод Саидов, 85 кг. вазнда тергов ҳибсхонаси назоратчиси, ички хизмат сержанти Улуғбек Хуррамов, 85 кгдан юқори вазнда вилоят ИИБ ЖТСБ ППХ батальони ходими, милиция сержанти Нарзулло Нурмановлар қўлга киритдилар.


Умумжамоа ўртасида биринчи ўрин вилоят ИИБ жамоаси, 2-ўрин ёнгин хавфсизлиги бошқармаси, 3-ўрин Жарқўргон тумани ИИБ вакиллариға насиб этди.

Мусобақа голиблари ва жамоаларига вилоят ички ишлар бошқармасининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлари берилди.

Зокир МЕЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари,
милиция капитани.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.



Суратларда: амалий спорт чемпионатидан лавҳалар.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатида навбатдаги тур баҳслари бўлиб ўтди. Бухоро-Трактор - 3:1; Машъал-Сурхон - 1:0; Самарқанд-Д-Навбахор - 0:3; Сўғдиёна-Насаф - 1:4; Металлург-Қизилқум - 1:1; Пахтакор-Локомотив - 2:0. Нефтчи-Андижон учрашуви фарғоналикларнинг Осиё Чемпионлар лигасидаги сўнги учрашуви боис кейинроққа сурилди.

27 МАЙГАЧА БЎЛГАН ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Пахтакор	9	8	1	0	28-1	25
2. Навбахор	10	8	1	1	25-3	25
3. Насаф	10	7	1	2	21-6	22
4. Нефтчи	8	7	0	1	20-5	21
5. Локомотив	10	3	4	3	9-7	13
6. Сурхон	10	4	1	5	12-16	13
7. Бухоро	10	4	1	5	9-19	13
8. Қизилқум	10	3	3	4	13-17	12
9. Металлург	10	3	2	5	7-17	11
10. Машъал	10	3	2	5	12-13	11
11. Трактор	10	3	0	7	10-23	9
12. Андижон	9	2	1	6	8-19	7
13. Сўғдиёна*	10	2	1	7	5-19	7
14. Самарқанд-Д	10	2	0	8	7-21	6

Олий лиганинг кейинги тур беллашувлари 3 ва 4 июнь кунлари бўлиб ўтади. Насаф-Самарқанд-Д; Навбахор-Қизилқум; Андижон-Бухоро; Сурхон-Пахтакор; Локомотив-Нефтчи; Металлург-Машъал; 4 июнь - Трактор-Сўғдиёна.

Ўзбекистон кубогининг чорак финал баҳсларига қуръа ташланди. Бу сафарги учрашувлар уй-сафар тизимида ўтказилиши билан аввалгиларидан фарқ қилади.

Сўғдиёна-Пахтакор.

1-учрашув: 22 июнь,
жавоб учрашуви: 29 июнь.

Локомотив-Нефтчи.

1-учрашув: 31 май,
жавоб учрашуви: 29 июнь.

Трактор-Бухоро,

Қизилқум-Машъал.

1-учрашувлар: 29 май,
жавоб учрашувлари: 12 июнь.

25-29 май кунлари Ўзбекистон миллий ва ёшлар терма жамоалари Озарбайжонда навбатдаги ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишади. Йиғин давомида ҳар икки терма жамоамиз маҳаллий терма жамоалар билан ўртоқлик учрашувларида май-

донга тушадилар. Миллий терма жамоамиз таркибига хорижда тўп сураётган легионерларимиз ҳам таклиф этилган.

9 июнь куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари туркумидаги учрашувини ўтказди. Унда терма жамоамиз ўз уйида Фаластин терма жамоасини қабул қилади.

Осиё Чемпионлар лигаси гуруҳ босқичида иштирок этаётган "Нефтчи" жамоаси кеча сўнги учрашувини ўз майдонида ҚУВАЙТНИНГ "Ал-Араби" жамоасига қарши ўтказди. Афсуски, ушбу учрашув натижаси фарғоналиклар учун ҳеч қандай қийматга эга эмас. Чунки улар аллақачон кейинги босқичга чиқиш имкониятини бой бериб бўлишган. Сўнги учрашув водий футболчиларининг ўз мухлислари олдида чиройли ўйин кўрсатишлари учунгина керак, холос.

"Пахтакор" эса гуруҳдаги сўнги учрашувини Қатарда маҳаллий "Қатар СК" жамоасига қарши ўтказиб, 0:0 ҳисобидаги ду-

рангга эришди. Худди фарғоналиклар сингари Тошкент жамоаси учун ҳам бу ўйиннинг аҳамияти қолмаганди. Сабаби, жамоа бундан бир тур олдин чорак финал йўлланмасини нақд қилиб қўйган эди. Энди пахтакорчилар чорак финалдаги рақиби қайси жамоа бўлишини 28 май куни билиб оладилар. Худди шу куни қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтади.

Осиё Чемпионлар лигаси чорак финалига "Ал-Айн", "Ал-Ваҳда", "Шаржа" (барчаси БАА вакиллари), "Сеонгам Илва Чунма", "Чонбук Мотрс" (Корея вакиллари), "Дальян Шайд" (Хитой), "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони) ҳамда "Пахтакор" (Ўзбекистон) жамоалари чиқишди.

26 май куни Қўҳна қиъада ҳам Чемпионлар лигасининг финал учрашуви Гильзенкирхен (Германия) шаҳрида Португалиянинг "Порту" ва Франциянинг "Монако" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Европанинг энг кучли жамоаси номини қайси жамоа қўлга киритганлиги тўғрисида газетамизнинг кейинги сонларида хабар қиламиз.

Хизматларда

ПАТРУЛЬ ШАҲАР КЕЗАДИ

Тун ярмидан оғди. Одамлар сийрак. Кўчаларда сергаклик билан айланиб юрган пиёда ва автопатруль ходимларининг нигоҳи бемаҳалда юрган ҳар бири кишини синчковлик билан кузатади.

Милиция катта лейтенанти Фахриддин Каримов ва сержант Муҳиддин Ўнғобоевлар навбатчилик қилаётган ҳудудда милиция ходимларини кўрган бир йигит ўзини ғалати тутаётгандай бўлди. Хужжати сўралганда меҳмонлиги, паспорти ёдидан чиқиб қолганлигини баҳона қила бошлади. Гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси билан шуғулланувчи бу кимса навбатдаги мижозларга пуллаш учун 14 грамм героинни олиб кетаётган экан. Оғуфуруш "манзили"га ета олмади.

Қарши шаҳридаги кичик туманда навбатчилик қилиб юрган милиция сержанти Шерали Темировнинг эътиборини бемаҳалда қақиллаётган товукнинг овози тортди. Шу пайт тугун кўтарган икки киши хонадонларнинг биридан чиқиб келди. Маълум бўлишича, Г. Каримовнинг товук ва буюмларига воёга етмаган Н. Камол ва С. Артур кўз олайти-

ришган экан. Хонадон соҳибаси сержантга самимий миннатдорчилик билдирди.

Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ, ППХ батальони ходимларининг фаолиятида бундай мисоллар кўп. Улар Қарши шаҳрида

нинг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Баҳодир Фафоров. – Йилнинг ўтган даврида ходимларимиз томонидан 21 та ҳуқуқбузарликлар фош этилди.

Дарвоқе, бутун мамлакатда шов-шувга са-

нафар ходими рағбатлантирилди. Йилнинг ўтган даврида эса 55 киши ИИБ ва ИИБ мукофотларига сазовор бўлди. Бу фактлар батальон шахсий тартибининг хизматига берилган баҳодир.

— Ходимларимиз

Ватан ва халқ манфаатлари йўлида ҳар қандай ёвуз кучларга қарши тура оладилар, – дейди батальон командири, милиция майори Дилкаш Ярмазов. — Мунтазам ўтказилаётган ўқув-амалиёт машқлари ходимларимизнинг ҳар қандай қалтис вазиятларда ҳам аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тажрибасини ошироқда. Тезкор ҳаркатлар учун етарлича техника, ҳимоя ва алоқа воситаларига эгамиз.

... Тун охирида қолди. Кўча бўйлаб юрган милиция патруллари бедор. Уларнинг хизмат вазифалари шундай.

Ҳа, патруль шаҳар кезади. Улар тинчлик, осойишталик қалқонлари, халқнинг ишончли кишилари. Посбони сергак халқ эса осойишта бўлади.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

Суратда: хизмат жараёнидан лавҳа.

О. ПРИМОВ олган сурат.



БОҒОТДА ЯНГИ БИНО

Боғот тумани марказида вилоят ИИБ ЙХХБ ҳузуридаги туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлини маси биноси ишга туширилди.

Тантанани Хоразм вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Б. Раҳимов очди. Сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори Б. Сидиқов қисқа фурсатда фойдаланишга топширилган ушбу бино ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, Хазорасп, Боғот туманларидаги автомобилотранспорт эгаларига намунали хизмат кўрсатиш борасида катта қулайликларга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Маросимга ташриф буюрганлар замонавий алоқа воситалари ҳамда компьютерлар билан жиҳозланган хизмат хоналари, амалий машғулотлар ўтказиладиган майдонча ҳамда махсус хизмат транспортларини кўздан кечирдилар.

Шундан сўнг бино қурилишида фаол иштирок этган туман кўчма механизациялашган шўба корхонаси, Хоразм автотўл шўба корхонаси ишчи-хизматчилари ҳамда вилоят ИИБ ЙХХБнинг бир гуруҳ ходимларига пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантананада Боғот туман ҳокими Р. Бекчонов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Х. ЖАББОРОВ.



СУРАТЛАРДА: бинонинг очилиш маросимидан лавҳалар. Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.

«Қорадори – 2004»

Жорий йилнинг май ойидан мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий «Қорадори» тадбирининг дастлабки босқичи бошланди. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ҳамда унинг бориши ҳақида республика ИИБ Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Алишер Жўраев қуйидагиларни гапириб берди.

– Республикаимизда наркотрафик ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланиши, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган экинларни қонунга зид равишда экиб, ўстиришга қарши курашиш мақсадида ҳар йили икки босқичли тадбир ўтказилади. Навбатдаги тадбир одатдагидек, ички ишлар идораларининг жиноят-қидирув, тергов, йўл-патруль хизмати, паспорт тизими ходимлари, профилактика инспекторларидан ташқари соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиғи, ҳокимликлар вакиллари ва кенг жамоатчилик жалб қилинган. Иштирокчилар техника воситалари, автомашиналар, радиостанциялар ва махсус техника билан таъминланган. Йўлларга қўшимча йўл-патруль хизмати постлари қўйилиб, махсус гуруҳлар ташкил қилинган. Табиийки, «Қорадори-2004» тадбири давомида махсус ўргатилган хизмат итларидан самарали фойдаланиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Сайёҳаракатлар бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ле-

кин йил бошидан буён мамлакатимиз вилоятларида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган экинларни ноқонуний равишда экиб, ўстириш бўйича 277 та ҳолат аниқланиб, 4263 квадрат метр ердаги ана шундай экинлар йўқ қилинди. (Ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 219/3365 эди).

Бундан ташқари Наманган, Тошкент, Андижон ва бошқа бир қатор вилоятларда 3020 кв. м. майдонда ёввойи тарзда ўсаётган наша ўсимликлари ҳам аниқланиб, йўқ қилинди. Таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган экинларни қонунга зид ҳолда экиб, ўстирган, гиёҳвандлик моддаларни ўтказиш билан шуғулланган, бу моддаларни ташиган, бангхона очган шахслар аниқланиб, қонуний жавобгарликка тортилди. Жорий йил бошидан 21 май кунига қадар қонунбузарлардан 25467 гр. (ўтган йил шу кунгача 52344 гр.) героин, опий, марихуана, кўкнор, гашиш каби гиёҳвандлик моддалари олинди.

Отахон ва онахонларимиз гиёҳвандлик моддаларининг зарари

ЁШ ТАНЛАМАЙДИГАН ИЛЛАТ

ҳақида ёшларга панд-насихат қилишлари зарур. Аммо уларнинг айримлари аксинча иш тутишяпти. Масалан, Хоразм вилояти Хазорасп туманида ўтказилган тадбир жараёнида шу тумanning «Дўстлик» ширкат хўжалиғида яшовчилар – 1927 йилда туғилган Аниёз Эшнӣёзов томорқа ерида 1157 туп, 71 ёшли Шокир Эгамбердиев эса 396 туп кўкнор ўсимлиги етиштираётгани маълум бўлди. Қашқадарё вилояти Қасби тумани Пандирон қишлоғида 74 ёшли Имом Хидиров ҳовлисининг 50 кв. метрига 3300 туп кўкнор эккан экан. Косон туманилик, 1942 йилда туғилган Ҳазрат Собировнинг ҳовлисида 42 туп марихуана ўсаётгани аниқланди. Унинг уйи кўздан кечирилганда 2 кг. миқдорда марихуана топилди. Бухоро вилояти Гиждувон тумани Қорабоғ қишлоғида яшовчи, 1945 йилда туғилган Дилмурод Тўйчиев томорқасида салкам беш юз туп кўкнор ўсимлиги етиштираётгани фош этилди. Қонунга хилоф равишда экилган бу экинлар йўқ қилинди.

Фарзанд тарбиясида аёлнинг ўрни бекиёсдир. Лекин айрим онахону опахонларимиз фарзандлари, набираларига, яхши-ёмон, гуноҳ-саъоб ҳақида насиҳат қилмайдиган пайтда ўзлари қинғир ишга қўл уриб, эл ичида юзлари шувут бўлмоқда. Томорқасига 350 туп кўкнор ўсимлиги экиб, уни фарзандидан ортықроқ папалаб, парваришлайётган Жиззах шаҳрилик Гулжаҳон Номозбоева, уйда набираларига ширинлик ўрнига 115 грамм героин сақлаган Фарғона вилояти Олтиариқ туманилик Турдихон Алимбекова, сумкасида етти юз граммдан ортық марихуана топилган Сирдарё вилояти Оқ олтин туманилик Саида Мамедовалар ноҳўя қилмишлари туфайли яқинлари олдида бош эгиб қолдилар.

«Қорадори-2004» тадбири давомида ходимларимиз билаги кучга тўла, ишлаб, чарчамайдиган ёшдаги, лекин меҳнатга бўйни ёр бермай, мўмай даромад топиш дардида бўлган йигитларни ҳам ашёвий далиллар билан қўлга ол-

дилар. Жумладан, 14 майдан 17-майгача Тошкент шаҳрида ўтказилган тадбир давомида А. Икромов, М. Улуғбек, Сирғали, Чилонзор туманларидан Алифтин Севастьянов салкам 700 гр., Алексей Гребенщиков 1,8 кг., Ҳамза туманилик Георгий Севумян 3,5 кг. га яқин, Иван Борисов 726 гр., Жаҳонгир Қаҳқоров ҳамда Анатолий Глуховлар 1,5 кг.га яқин марихуана билан ушланганлар. Табиий, уларнинг барчаси қилмишларига яраша жавоб берадилар.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ёш танламайдиган иллат орқали мол-мулк орттиришга интилиш ёши ва миллатидан қатъи назар, ўз қадрини билмаган айрим шахсларнинг фикру хаёлини ўғирлаган. Улар бу йўлга таваккал, эҳтимол қўлга тушмасман деган хаёл билан кирган бўлишлари мумкин. Ана шундайларга эслатиб қўйишни истардик: ҳуқуқ тартибот ходимлари, жамоатчилик иродасиз шахслар, айниқса, ёшларни гиёҳвандлик домйга тортишга уринаётган қонунбузарларга нисбатан ҳамиша муросасиз бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Инсониятни ажал қомига тортувчи гиёҳвандлик иллатининг илдизини қирқишга қаратилган бу тадбир эса йил бўйи давом этади ва унда кенг жамоатчилик фаол қатнашади, деб умид қиламиз.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА

ёзиб олди.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

Инсон ҳаётига Қуёш системасидаги ҳаракатлар, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши мунтазам таъсир қилади. Бу оламдаги ҳар бир нарса, мавжудот ҳаракатда, ўзгаришда. Ана шу ўзгаришлар жараёни билан уйғунликка эришиш саломатлик калитидир.

ДОНИШМАНД ШАРҚ

Шарқ табобати қадимдан ривожланган эди. Хитойликлар бундан 5 минг йил муқаддам олам ҳаракатининг инсон ҳаётига таъсири ҳақида ёзишган. Қадимги қўлёмаларда бутун борлиқда айланиб юривчи, инсон учун асосий қувват манбаи бўлган аллақандай "ци" қуввати ҳақида гап боради.

Шарқ донишмандларининг тасаввурига кўра, "ци" қувватининг одам организмига таъсири Ернинг Қуёш атрофида айланиш ритмига боғлиқ. Бундан ташқари, ҳаётининг қувват бир кеча-кундуз (сутка) ичида барча аъзолар бўйлаб бир марта тўлиқ айланиб чиқади. Аъзога "ци" қуввати қуйилган пайти унинг ишлаши фаоллашади. Айна шу пайтда аъзо ташқи таъсирга, жумладан, муолажага ҳам таъсирчан бўлади. Орадан ўн икки соат ўтиб у қувватсизлашади.

Ҳар бир киши сутканинг муайян маҳалида куч-ғайратга тўлган бўлади ва аксинча. Бунини пайқаманган, организмнинг аҳолидан келиб чиқиб ҳаракат қилмаган киши тез куч-қувватини, соғлигини йўқотади. Қуйидаги суҳбатимиз ана шу мавзуда.

САЛОМАТЛИК

ВА ВАҚТ

Хитойлик шифокорлар ҳамиша инсоннинг чинакам фаолияти ярим кеча эмас, эрталабга яқин бошланади деб ҳисоблашган. Чунки ўпка йўллари соат учдан эътиборан фаоллашади. Соат 5 дан фаоллик йўғон ичакларга ўтади. Ошқозон эса эрталаб соат 7 дан узлуксиз ишлай бошлайди. Соат 9 дан қувват ошқозон ости безига ўтади. Соат 11 дан юракнинг фаолияти тезлашади. Туш пайти эса ингичка ичак йўли фаоллашади...

Муҳими, бирор аъзога қуйилган қувват унга боғланган бошқа каналларга ҳам ижобий таъсир қилади. Ана шу нуқталарга таъсир қилиб аъзолар фаолиятини ўзгартириш мумкин. Рефлексотерапия худди шу тамойилга асосланади.

БУНИ ФАН
ТАСДИҚЛАГАН

Ҳозирги замон ғарб олимларини сутка мобайнида инсон организмда кечадиган биокимёвий параметрлар ўзгаришлари қизиқтириб қўйди. Шифокорлар ўтказган тажрибалар шуни тасдиқ-

лайдики, хитойлик ҳамкасблари "ци" қувватининг инсон саломатлигига таъсири борасида ҳақ экан.

● Айна соат 3-5 оралигида астма касаллигига чалинганлар ўзларини ёмон ҳис этишади, ҳатто хасталиклари хуруж қилади. Чунки шу пайтда кортизонь гормони кўп миқдорда қонга ажралиб чиқади. Шу гормонь организмни кундузги фаолликка тайёрлайди. Унинг ўзи ўпка касалликларини кучайтириши, кўзгаши ҳам мумкин. Соат 5 га бориб қон таркибида кортизонь гормони кунлик меъёрдан 6 баробаргача ошиши мумкин. Шунинг учун дори-дармонлар кучсиз таъсир қилади.

● Соат 6 дан эътиборан қонда қанд ва аминокислоталар миқдори ошади. Организм бедорликка, фаолиятга тайёр бўлади. Чунки умумий модда алмашинув жараёни бошланган. Бекорга ота-болаларимиз эрта туришнинг хосиятлари ҳақида қайта-қайта таъкидлашмаган. Эрталаб соат 5-6 да туришни одат қилган одамлар кўпроқ соғлом бўлади.

● Соат 7-9 оралигида еганингиз углеводларга айланиб, кишига қувват бўлади. Кечки пайт соат 19 дан кейин еган овқатингиз эса ёгга айланиб, захира ҳосил қилади. Эрталаб никотин қон томирларини торайтириб юборади. Шу пайт оғриқ ҳам қаттиқ билинади.

● Соат 9-11 орасида

организм ниҳоятда фаол, рентген нурларига ўта чидамли бўлади. Оғриқ кам сезилади... Айна укол ва шунга ўхшаш муолажалар қилишга қулай пайт.

● Соат 11-13 оралигида юрак фаолияти ниҳоятда яхшиланади. Шунинг учун бу пайт кардиограмма қилдириш мақсадга мувофиқ эмас: юракдаги айрим хасталиклар билинмай қолиши мумкин.

● Соат 13-15 орасида организмнинг иш қобилияти пасаяди. Қон босими ва гормонь даражаси ҳам пастлашади. Жигар кўп миқдорда сафро ишлаб чиқади. Ҳазм бўлган овқатнинг организмга сингиш жараёни кечади. Имкони бўлса, шу пайт дам олган маъқул. Наркоз узоқ вақт ва осон таъсир қилади. Тишлар кам оғрийди.


● Соат 15 дан бошлаб яна кишининг қуввати ошади. Бунини спортчилар машқ қилаётганида ҳам кўриш мумкин. Қон босими ошади, қон айланиши тезлашади. Тана ҳарорати ва қондаги қанд миқдори ҳам ошади.

● Соат 17 дан бошлаб куч кўпайишда давом этади. Тирноқлар ва соч тезроқ ўсади. Буйрак иши фаоллашиб, организмни тозалайди.

● Соат 19-21 оралигида

қон босими кескин пасайиб, юрак уриши секинлашади. Бу пайт қон босимини пасайтирувчи дори-дармонларни эҳтиёт бўлиб истеъмол қилиш керак. Дорилар марказий асаб тизимига кучли таъсир қилади. Антибиотиклар яхши самара бериб, кам асорат қолдиради.

● Соат 21 дан эътиборан овқат ҳазм бўлиши қийинлашади. Иш қобилияти пасаяди. Аксар кишиларни уйку босади. Айниқса, никотин ва спиртли ичимликлар зарарли таъсир қилади. Тана ҳарорати пасаяди, юрак уруши секинлашади, қон таркибида



лейкоцитлар миқдори ошади. Организм уйку, яъни дам олиш босқичига ўтади.

● Соат 23-01 оралигида ухламаган кишилар яна вужудига қувват ёғилишини ҳис этишади. Аммо бу қувват ички жараёнлар учун

мўлжалланган. Томирлар торайиб, инсультга чалиниш хавфи ошади (айниқса, фаол ҳаракат қилинса).

● Соат 01-03 орасида аксар одамлар уйкуда бўлишади. Организмдаги деярли барча жараёнлар тўхтайдилар, фақат жигар фаолияти тезлашади – қон тозаланади. Бу пайт машина бошқарган кишилар йўл – транспорт ҳодисаси содир этиш эҳтимоли юқори. Тана совуқ ва оғриққа жуда сезгир бўлади. Ҳадемай қонга кортизонь гормони ажралиб чиқади ва янги қувват қуйилади. Бу вақт айна ухлаш, ором олиш маҳали...

ҚУЁШ ТАҚВИМИ

Нега хитойликлар янги йилни январда эмас, февраль ойида нишонлашади? Бу ҳам шарқона донишмандлик билан боғлиқ. Табобат аҳли инсон саломатлигини ўрганишни ўпкадан бошлаш лозим деб ҳисоблашади. Ўпка эса айнан февраль ойида "ци" қувватига таъсирчан бўлади. Март – йўғоничак нозиклашадиган ой. Апрельда ошқозоннинг гали келади. Майда ошқозон ости безининг фаолияти ёмонлашади. Июнда юракка қийин бўлади. Июль ойида ингичка ичак хаста одамлар азият чекади. Августда сийдик пуфаги хасталар ўзини ёмон ҳис қилишади. Буйрагидан нолийдиганларнинг сентябрь яқинлашган сайин юраги безиллайди. Декабрьда ўт пуфагини эҳтиёт қилиш лозим.

Фасллар, қону тун алмашинуви биз учун шунчалик табиий туюладики, кўпинча уларга эътибор бермаймиз. Ваҳоланки, образли қилиб айтганда қуёш тақвими кўп жиҳатдан фаоллигимизни белгилаб, саломатлигимизга таъсир қилади.

Энди одамлар биологик соатларни ўзгартириш салбий оқибатларга олиб келишини англаб етишди. Натижада организм чарчайди, ички аъзолар фаолияти ёмонлашади, сурункали касалликлар келиб чиқади. Ҳозир нафақат Шарқда, балки Европада ҳам беморларни табиий биологик

ҳаёт тарзини тиклаш йўли билан даволашаёпти.

Хуллас, сиз ҳам ақл билан иш юритинг, табиат қонунларини ҳисобга олинг, умрингиз узоқ бўлсин, соғ-саломат, бахтли бўлинг, азиз муштарий!

Ажаб савдолар

... Ярим тунда, қўшни хонада инграганга ўхшаш овозни эшитиб дабдурустдан уйғониб кетдим. Ўрнимдан туриб яхшироқ кулоқ солдим: бу ой-кунни яқинлашиб қолган келинимнинг овози эди. Уни “дард” тутиб қолибди.

Чақирилган “Тез ёрдам” ярим соатга қолмай етиб келди. Хайдовчи: “Фақат бир киши кузатиб бориши мумкин”, – дегандан кейин ўғлимни ёш бола-си билан қолдириб, ўзим машинага ўтирдим. Бундай ишларнинг ҳадисини олган йигит машинасини авайлаб юргизиб, туғруқхона қабулхонасининг нақ оstonасигача ҳайдаб келди-да, сирли жилмайиб деди:

– Мана, етиб келдик, опа! Синглимиз эсон-омон кутилиб олсин.

Хайдовчи йигитнинг кўзидаги маънони уқиб, дарров беш юз сўм чиқариб, узатдим.

Уй-



қуси бузилганидан норозилиги шундоққина сезилиб турган икки аёл – чамаси, қабулхона навбатчиси ва “санитарка” бизни хушламайгина кутиб олишди. Саломизга алик йўқ, инқиллаб, ранги бир ахволда белини ушлаб аранг оёқда турган келинимга “ўтир” деб ишора қилган навбатчи қовоғини солганича “Касаллик варақаси”га бир нарсаларни ёза бошлади. Кейин “санитарка” келинимни ичкари хонага олиб кириб, тарозиди тортиб, кийимларини алмаштирди.

– Келинингизнинг тирноқлари ўсган, бўялган экан! – деди аёл гўё каттакон бир айбни топгандай. – Энди уни олишга қайчи, буюқни артишга ацетонни қаердан оламан? Тирноғини тозалаб келса бўлмайди-ми?!

Ичкари хонада ранги қанақалигини билиб бўлмайдиган эски халат кийдирилган келинимга кўзим тушди-ю юрагим ачишиб кетди. Мен азбаройи келинимнинг тезроқ эсон-омон “кутулиб” олишини истардим. Шу сабаб чўнтагимдан минг сўмлик чиқардим:

Аёлнинг шу заҳоти чиройи очилди. Келинимга бўлган муносабати ҳам ўзгарди. Айланиб-

ўргилиб, уни юқори қаватга олиб чиқишга тайёрлар экан, ёнимга келиб: “Унга ҳам бердингизми? – деди навбатчини кўрсатиб. – Беринг! Буёғини тезлаштиради. Хали келишингизда чойшаб, кўрпа-ёстиқ жилди, халат, пайпоқ олиб келиш эсингиздан

чиқмасин. “Хўп-хўп”, дея ҳамон қош-қовоғи осилиб, бир нималарни ёзиб ўтирган навбатчи аёлнинг ҳам кўнглини олдим. Ҳозиргина меники бўлиб турган минг сўмнинг янги эгаси мамнун жилмайиб, ўтиришга таклиф қилди.

Уч кун келинимнинг туғруқхонада ётиши учун уч ярим минг тўладим. Қолганини кейин тўларканман. Қон берувчи донорлар учун бир ярим минг сўм олишди (қон кимга кераклигини сўрашга кўрдим).

Келинимни юқори қаватга олиб чиқиб кетганлардан хабар келди: “Келинингизнинг кўз ёриш вақти келиб қолди, кутинг!” Гоҳ ташқаридаги ёғоч ўриндикда ўтириб, гоҳ нимқоронғи ҳовлини айланиб, бир соатдан ортиқроқ кутдим. Бу орада тонг

отиб, туғруқхона ҳовлиси анча гавжум бўлиб қолди: Яна икки-учта бўлажак оналар қабул қилиниб, бирга келганлар кутиб ўтиришди.

– Бирор янгилик бормикан? – умид билан “санитарка”дан сўрадим. У кимгадир кўнгирақ қилгач:

– Келинингиз туғибди, – деди лабини ўйноқлатиб. – Ўғилми-қизми – айтолмайман. Буёғи –

сир. Ўн дақиқалардан кейин доялар тушишади. Ўзлари айтишади. Тайёрланиб туринг!..

Нимага тайёрланишим керак: келинимни табриклашгани ёки ўғлимни чақиритишга? Келинимнинг кўнглини кўтаришгани ёки ҳозиргина туғилган неваранинг бобосидан суюнчи олишга? Э, йўқ, ҳаммаси бекор. Дояларга суюнчи беришга тайёрланишим керак.

Бири гавдали, хўппа семиз, иккинчиси жик-какина оқ халатли аёллар юқори қаватдан тушиб келишганида мен аллақачон ҳамёндан

кетар пулни тайёрлаб кўйгандим. “Санитарка” мени имлаб кўрсатгач, улар бир сўз демай, мени ичкарига бошлашди. Уларнинг ортидан бора-япману хаёлимда минг хил ўй: тинчликмикин? Она-бола соғмикин? Боя навбатчи ҳамшира келинимдан беш-ўн дақиқа кейин келган жувоннинг эрини чақириб: “Хотинингизни реанимацияга кўйдик, қон босими кескин ошиб кетди”, – деганди. Хавотир ва умид билан хизматчи аёлларга илтижолли тикилдим.

– Тинчликми ўзи?
– Тинчлик. Келинингиз киз туғди. Нақ уч ярим кило... Ие, сизга нима бўлди? Нега қизариб кетдингиз? Хай, ушланг-

лар бунини, ушланглар, вой товба, дори олиб келинглар! Сув!...

Тишим-тишимга тегмай дағ-дағ титраб, оёқларим қалтираб, жонсиз бўлиб қолганди. Юзимга совуқ сув пуркашди. Элас-элас бояги аёлнинг овозини эшитдим.

– Ҳе, кўйинг-е, кўрқитиб юбордингиз-ку! Биз сиздан суюнчи олиш учун чақирсак...

Э-ҳа, булар, чамаси, кутиб ўтирган “бегона”лар олдида суюнчи сўрашга ийманиб, мени бу ёққа чақиритган шекилли. Боя тайёрлаб кўйган пулла-

рим кафтимда гижимланиб кетибди. Бир ярим минг сўмдан иккала дояга, навбатчи ва “санитарка”га яна минг сўмдан бердим.

– Бу – кам, – деди хўппа семиз кўлидаги “ғижим”га қарамай. – Бизда бундан кўп беришади...

Ноилож яна биттадан минг сўмлик олиб, икковига узатдим.

– Дори билан шприцга-чи? – бидирлади жиккак аёл.

– Қанча?

– Бир ярим минг сўм...

Аёл топқир экан. Ҳамёнимда... бир ярим минг сўм қолибди.

Кўйингки, бир ой ётган бемордек зўрға юриб кўчага чиқдим. Такси ҳам тайёр. Борар манзилимни айтгач, олтмиш ёшлар чамасидаги хайдовчиға юзландим:

– Муллака, илтимос, тезроқ хайданг. Хизмат ҳақингизни уйга кириб, хўжайинимдан олиб чиқиб бераман.

Хайдовчининг кайфияти бузилди.

– Бунинг аввалроқ айтишингиз керак эди. “Почин”ни қуруқ қўл билан “очмайман”.

– Пулим бор эди, туғруқхонада суюнчиға тарқатавери...

– Ие, шунақами? Янги меҳмон денг? Ҳа, майли, олиб бораман. Фақат, суюнчисига йўл кирани икки баробар қилиб тўлайсиз.

Суюнчи — суюнган одамдан олинадиган ҳады. Аммо мен “суюна-вериб” ҳамёним “қуригани”ни, ортиқ “суюниш”га ҳолим қолмаганлигини хайдовчи тушунмади. Балки севинчи хабар кутаётган ўғлим уни тушунар...

ШАҲЗОДА.

НАВБАТЧИЛИК
ҚИСМИ ХАБАРЛАРИХУРМАЧАСИГА
СИҒМАДИ

Киши, авваламбор, ичмагани маъкул. Мабодо ичадиган бўлса, хурмачасига сиққанича ичсин экан. Бўлмаса пастдаргомлик фирма директори К. Акрамга ўхшаб жиноят ботқоғига ботиши ҳеч гап эмас. У маст ҳолида ўзига тегишли “Нексия” машинаси салонидида таниши Х. Мардонни жанжал устида ип билан бўғиб ўлдириб қўйди...

БЕКОРДАН
ХУДО БЕЗОР

Бу мақолни Косон туманилик пенсионер С. Ҳақим хиёл бошқача тушунар экан. У фақат пенсия пулимга қараб бекор ўтирмай деб томорқасида 42 туп наша кўчатини парвариш қилди. Буям етмагандай уйи милиция ходимлари томонидан кўздан кечирилганда 2 кило марихуана топилди.

ЭР-ХОТИННИНГ
УРИШИ...

Доимо ҳам дока рўмолнинг куришидек тугайвермас экан. Бўлмаса Андижон вилояти Пойтуғ шаҳрилик мактаб муаллими Х. Тоҳиржон ўзаро жанжал оқибатида умр йўлдошини пичоқлаб ўлдирмасди.

УР, ТЎҚМОҚ!

Бу номдаги эртакни кўпчилик ўқиган ёки эшитган бўлса керак. Ҳар ҳолда, Оҳангарон туманилик Т. Соня ҳам эшитган эди. У уйига чиққан кўшнисини, пенсионер Г. Зоя билан айтишиб қолди. Жаҳл устида ёнида турган тўқмоққа “Ур, тўқмоқ!” – деди. Аммо тўқмоқ сеҳрли эмас, оддий экан – урмади. Шундан сўнг Соня тўқмоқни кўлига олиб Зоянинг бошига урди. Жабрдийда олган тан жароҳати туфайли воқеа жойида вафот этди.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ:
ТАЛОНЧИ!

Сўнги пайтларда кўча-куйда, бозорларда фуқароларнинг тақинчоқлари, буюмларини юлиб олиб қочаётганлар учраб турибди. Яқинда “Чилонзор” буюм бозори олдида ана шундайлардан бири – Т. Асадулло кийим-кечак харид қилишга келган М. Фотиманинг 14 минг сўм пули бўлган сумкасини юлиб олиб қочаётганида ушланди.

НОГИРОН ҲАМ ПУЛ
ТЎЛАЙДИМИ?

Шунақаси ҳам бўларкан. Туманлардан бирининг ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Ю. Замира М. Аллага жиянини ногиронликка ўтказиши учун ҳужжат тўғрилаб берадиган бўлди. Эвазига 50 минг сўмни пора сифатида олаётган пайтда қўлга тушди.

ҚИНҒИР ИШНИНГ
ҚИЙИҒИ...

Қирк йилдан кейин ҳам чиқади. Шу йил март ойида Нарпай туманилик Р. Исроилнинг “ВАЗ-2106” русумли автомашинасини номаълум шахс олиб қочган эди. Кўрилган чоралар натижасида автомобиль 2 донга филдираги, аккумулятори, автомагнитоласи ва салонидида яна баъзи буюмлари олиб кетилган ҳолда тез орада топилган. Яқинда бу жиноятни содир этган шахслар – М. Абдуҷалол ва М. Жўралар қўлга олинди.

ҚЎРҚИТГАНИ
БОЛА ЯХШИМИ?

Самарқанд шаҳрида 4-синф ўқувчилари Парвиноз ва Дилноза Носиралиеваларни номаълум шахс кўрқитиб, кулоқларидаги зирақларини олиб кетди. Ушбу қабиҳ жиноятни содир этган кимса ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли тез орада ушланди. У Жиззах шаҳрилик Э. Ортиқ бўлиб чиқди.

Республика ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги ички хизмат подполковниги

Насим УРИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Р. Қувондиқовга падари бузруквори

ҚУВОНДИҚ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Питнак шаҳар милиция бўлими профилактика инспектори, милиция капитани

Бахтиёр ЁҚУБОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сафар таассуротлари

Шу йилнинг 22-28 апрел кунлари Москва шаҳрида "Қонун ва жамият" тематикаси бўйича ҳуқуқ-тартибот мавзусидаги телекўрсатувлар, детектив жанрда суратга олинган ҳужжатли ва бадиий фильмларнинг VI Халқаро фестивали бўлиб ўтганлиги тўғрисида аввал хабар қилгандик. "Жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш – бутунжаҳон ҳамжамият иши" шиори остида бўлиб ўтган фестивалда иштирок этган 30 дан ортиқ мамлакат вакиллари билан бирга республика ИИВ Матбуот маркази бошлиғи, милиция полковниги А. Эрназаров, Бирлашган таҳририят бош муҳаррири, ички хизмат капитани Ш. Муродов, Ўзбекистон халқ артисти П. Саидқосимов ҳамда таниқли режиссёр М. Боймухамедовлар ҳам иштирок этишган эди.



Унда республикамиздаги "Санъат-маъно" киностудияси ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида тасвирга олинган "Қонли олишув" бадиий фильми фестиваль йўналишининг номинацияси бўйича биринчи ўринни қўлга киритган эди. Шу муносабат билан "Қонли олишув" бадиий фильми продюссери, Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимовдан асарнинг яратилиши ва сафар таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

БИЗНИ Қўлмаганларга РАҲМАТ

— Аввало, шуни айтишим зарурки, мазкур фестиваль 1999 йили Россия Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил қилинган. Ушанда илк бор қатнашиб совриндор бўлгандик. Кўпчилик нега Пўлат Саидқосимов фильмларга продюсерлик қиларди, деб ўйлаши табиий. Гап шундаки, бизнинг "Саънат-маъно" деб номланган киностудиямиз республика ИИВ билан шартнома тузган. Ниятимиз машаққатли касб эгалари бўлган ички ишлар идоралари ходимлари ҳақида 40-50 қисмли фильмлар яратишдир. Мана, ҳамкорлик қилаётганимизга ўн йил бўлди. Ўтган йиллар мабойнида биргаликда тўртта бадиий фильмни суратга олдик. Булар "Ёқут кўзли тулпор", "Илон", "Қотил" ва "Қонли олишув" дир.

Мазкур фестивалнинг ўтган йиллардагидан фарқи, у халқаро миқёсда ўтказилди. Япония, Корея, Канада, Швеция, Швейцария каби ривожланган давлатлар ҳам ўз кино маҳсулотлари билан қатнашишди. Фестивалга тақдим этилган асарларнинг кўлами кенг бўлишига қарамасдан фильмимиз ҳакамларга маъқул келди ва юқори баҳоланди.

Картина, асосан 1988 йилда Андижонда рўй берган воқеалар хусусида. Сут-маҳсулотлари

комбинатида амалдор лавозимида ишловчи аёлнинг қотил ёллаб, ўз эрини ўлдириши ва унинг атрофидаги криминал жараёнлар асосий мавзусидир. Биз ушбу воқеаларни 12 қисмли асар қилишни режалаштирганмиз. Ўтган йили Андижонда бўлиб, икки ой мобайнида тўрт қисмини суратга олдик. Фурсатдан фойдаланиб, фильмни тасвирга олишга яқиндан ёрдам берган Андижон вилояти ИИВ раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Фильмнинг муваффақият қозонишига сценарий муаллифи Ф. Раҳимовнинг ички ишлар идоралари ходими эканлиги ҳам сабаб бўлди, десам янглишмайман. Сценарийдаги реал воқеалардан ташқари, муаллифнинг бадиий тўқимаси, ҳамда картина режиссёри Б.Қосимовнинг ҳам ижодий ёндашувлари ўз ақлини топган. Насиб этса, бу йил ушбу асарнинг яна тўрт қисмини суратга олмақчимиз. Бундан ташқари, Республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси ҳамкорлигида тасвирга туширилган Республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси махсулоти бўлган "Ўлим сўқмоғи" номли уч қисмли ҳужжатли фильм "Оғусиз дунё сари" номинацияси бўйича ўтказил-

ган танловда махсус дипломни қўлга киритди. "Умр — буюк иноят", "Айбим нима?", "Огоҳликка даъват" деб номланган уч қисмли ушбу ҳужжатли фильмларда инсоннинг жамиятда тутган ўрни, гиёҳвандликка ружу қўйган ёшларнинг фожиали тақдири, улардан туғилган фарзандларнинг аянчли қисматлари ҳамда мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идораларининг наркомания ва наркобизнесга қарши олиб бораётган фаолиятлари хусусида ҳикоя қилинади.

Фильмдаги лавҳалар бевосита воқеа жойида, ҳаққоний тарзда тасвирга туширилгани, аср вабоси тўлақонли фош этилгани тўғрисида ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Фестиваль якунида кино ижодкорлари бундан кейин ҳам шу каби долзарб мавзуларда тасвирга туширилган бадиий ва ҳужжатли фильмлар билан иштирок этишимизни сўраб қолишди.

Эришган ютуқларимиз учун, бизни қўллаб-қувватлаганлари учун ИИВ раҳбарияти, шахсан Ички ишлар вазирлиги Зокиржон Алматовга ўз миннатдорчилигимизни билдира- миз. Бундан кейин ҳам ҳамкорликда яхши асарлар яратиш халқимиз ҳуқуқига ҳавола этамиз деган умиддаман.

Маъмуржон АБДИЕВ,
ёзиб олди.

ЎЗГИ ТАЪТИЛ БОШЛАНДИ

Мактабларда машгулотлар тугаб, сўнгги кўнгирак чалинди. Қўплаб ўқувчилар ўзги таътилни оромгоҳлар кучоғида ўтказдилар. Шу боис, дам олиш масканларини мавсумга тайёрлаш чоғида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор берилиши зарур. Кичик бир носозлик ёки эътиборсизлик учкун чиқишига олиб келиб, катта ёнғинга айланиши ҳеч гап эмас.

Ўтган йили дам олиш масканларида бир қатор камчиликлар мавжудлиги маълум бўлганди. Бу йил ҳам жойларда ёнғин хавфсизлиги назорати ходимлари томонидан текширувлар ўтказилиб, оромгоҳлар раҳбарларига аниқланган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Албатта, ҳар бир оромгоҳда мавсум бошлангунга қадар ўқувчиларни қабул қилишга тайёргарлик кўрилади. Бироқ айрим масалаларга аҳамиятсиз қаралаётгани кутилмаган талофатларга олиб келиши мумкин. Болаларни турли кўнгилисиз воқеа ва ҳодисалардан эҳтиётлаб, ўз уйларида соғсаломат кузатиб қўйишга биз — катталар масъулмиз.

Ўзги таътил бехатар ўтиши учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларини яна бир бор эслатиб ўтамиз:

— оромгоҳ ҳудудидаги биноларнинг ёғоч қурилиш қисмлари ёниш тезлигини пасайтирувчи махсус кимёвий суюқлик билан қайта ишланиши лозим;

— барча электр симлари ва кабеллар ҳимоя қобиқла-

рининг чидамлилиги даражаси синовдан ўтказилиши, носоз, яроқсиз қисмлар янғисига алмаштирилиши керак;



— кўнгилик очиш мақсадида ёқиладиган гулханлар бинолардан узоқроқда бўлиши, теварак-атроф қуруқ хашак, ёнғинчи материаллардан тозаланиши зарур;

— оромгоҳнинг кўзга кўринадиган қисмида бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ўрин олиши, ёнғинга қарши қалқон ўрнатилиши, сув тўлдирилган бочка ва қўмли қўти бўлиши лозим;

— маъмурият ходимлари 15 нафардан ортиқ кишини ташкил этганда камида 4 кишидан иборат кўнгилик ёнғин ўчириш гуруҳи фаолият кўрсатиши талаб этилади;

— ёнғин ўчириш қисмига хабар бериш учун телефон алоқаси, болалар ва маъмуриятни оғатдан оғоҳлантиришга хизмат қилувчи радиотармоқ бўлиши керак;

— тарбиячи ва ишчи-хизматчилар ёнғин чиққанда қандай ҳаракат қилишлари-

ни мукамал билишлари зарур;

Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз ворислари — болажонларимиз саломатлигини тўлиқ таъминлаш муқаддас бурчимиздир. Ёнғин хатони кечирмаслигини унутмайлик!

Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси.

КРИПТОГРАММА		1. Марказий Осиёдаги водий.	2. Хорижий валюта.	3. Инглиз адлои.	4. Шарнома.	5. Шамол.	6. Замондош кичилар.	7. Нога.	8. Кимёвий моддаларнинг ўзаро таъсири.	9. Италия дарёси.	10. Чорва озуқаси.	11. Испания футбол командаси.	12. Деворий катта санъат асари.	13. Чегаралош давлат маркази.	14. Нога.	15. Чогу асоби.	16. Мажнуннинг исми.
5	2	3	6	9	-												
5	1	10	3	-													
4	1	9	10	11	7												
2	3	5	8	3	12	11											
1. Миллий зеб-зийнат буюми.										1							
2. Чехия автомобили маркаси. 3. Раҳбар аёл.										6							
4. Америка ёзувчиси. 5. Шоҳмотдаги ҳолат.					9							2					
6. Улуг даргоҳ. 7. Мақом.			3														
8. Нога. 9. Металл галтак.								7							12		
10. Европага хос миллат. 11. Корхона. 12. Ой.													4				
13. Ранг. 14. Ўтказгич. 15. Сайёра.					10	5											
16. Эркак исми. 17. Сирдарё вилоятидаги шаҳар					8								11				

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Настарин. 2. Норин. 3. Неон. 4. Насриддин. 5. Нокдаун. 6. Навжувон. 7. Найман. 8. Нун. 9. Нейтрон. 10. Наган. 11. Нодон. 12. Нурафшон. 13. Навқирон. 14. Нодирхон. 15. Нафталин. 16. Нолон. 17. Нишон. 18. Наманган. 19. Номуайян. 20. Номозхон. 21. Нон. 22. Намоён. 23. Никотин. 24. Нигин. 25. Нохин. 26. Нарвон. 27. Нитрон. 28. Ниҳон. 29. Нордон. 30. Нуқсон. 31. Норин. 32. Нейлон. 33. Натан. 34. Нимжон.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinbosari Erkin SATTOROV

Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV

Navbatchi Qobiljon SHOKIROV

Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 139-73-88. muxbirlar bo'limi 139-77-23, 59-27-15. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000255. Bosiish — ofset usulida.

● Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart
● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN
Buyurtma J-000255. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosiish — ofset usulida. 51821 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366 Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Bosishga topshirish vaqti — 20.00. Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa kombinatida chop etildi.

Korxonana manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Ⓝ — Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.